Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI * معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 11-oktabr, shanba | № 82 (7587)

ЎЗБЕКИСТОН-ГРУЗИЯ:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9-10 октябр кунлари давлат ташрифи билан Грузия Республикасида бўлди.



Сафар олдидан мамлакатимиз раҳбари журналистларга берган интервюсида ушбу ташриф мақсадларига тўхталар экан, ўзаро муносабатларни таҳлил этиш ва истиқболдаги тараққиёт, савдо-иқтисодий ҳамкорликни янги поғонага кўтариш масалаларини таъкидлади. Бу борада Грузия билан тўла ҳамфикрлик мавжудлиги Президентимиз самолёти Тбилиси аэропортига қўнгандаёқ намоён бўлди. Грузия ташрифга катта тайёргарлик кўрган — аэропорт ва шаҳар кўчалари икки давлат байроқлари билан безалган, мамлакатнинг ҳаво дарвозасида эса Ислом Каримовнинг сурати ва «Xush kelibsiz, muhtaram Prezident!» сўзлари барчанинг нигоҳини тортиб турарди.

Президентларнинг Қрцанис ҳукумат қароргоҳидаги дўстона мулоқотида тилга олинган мавзулар қамрови жуда кенг бўлди. Икки томонлама муносабатларга оид долзарб масалалар, қатор халқаро муаммолар, хавфсизлик, дунёвий ва минтақавий миқёсда икки ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан бафуржа фикр алмашилди.

Сафарнинг иккинчи куни кенгайтирилган таркибдаги музокаралар бўлиб ўтди. Унда Президентлар суҳбатида кўрилган масалалар янада кенг қамровда муҳокама этилди.

Музокаралар якунида ташкил этилган матбуот анжуманида мулоқотдан, сиёсий ҳамкорликнинг ҳамда турли миқёсдаги бевосита алоқаларнинг ҳозирги даражасидан қониқиш ҳосил қилингани таъкидланди.

Грузия раҳбари икки мамлакатнинг қарашлари бир-бирига тўғри келиши, бунга эса манфаатлар уйғунлиги асос бўлишини қайд этар экан, Ислом Каримов билан суҳбат ажойиб кечганини ва мазкур ташриф тарихий аҳамиятга эгалигини таъкидлади. Биз нафақат ҳамкорлик доирасида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилдик, балки алоқаларни ривожлантириш учун қандай восита ва ресурсларимиз борлигини яна бир қайта кўриб чиқиб, бу борада барча имкониятларни ишга солишга келишиб олдик, деди Э.Шеварднадзе.

Ислом Каримов Тбилисида самимий эҳтиром гувоҳи бўлгани, ушбу ташриф муносабатларни таҳлил этиш, янги имкониятларни ўрганиш ва долзарб халқаро муаммолар ҳамда дунёда кечаётган жараёнлар юзасидан фикр алмашиш учун қулай фурсат яратганини таъкидлаб, ўзаро ишонч ва ҳурмат, анъанавий дўстлик руҳидаги мулоқот муҳити учун Грузия томонига миннатдорлик билдирди.

Икки мамлакат раҳбарлари тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш мақсадида БМТ, МДҲ, ЕХҲТ ва бошқа халқаро ташкилот ва тузилмалар доирасида амалий ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олди. Террорчилик, экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандаси билан шуғулланувчи уюшган жиноятчилик каби иллатлар таҳдидига қарши биргаликда кураш масаласида ҳам томонлар фикри ўхшаш. Марказий Осиё ва Кавказнинг барқарорлиги муайян даражада Афғонистон ва Жанубий Кавказдаги вазиятга ҳам боғлиқ. Томонлар бу йўналишда ҳамкорликка тайёр эканлигини билдирар экан, Афғонистондаги тикланиш билан боғлиқ лойиҳаларда биргаликда қатнашиш истагини баён қилди.

Президентлар савдо-иқтисодий муносабатлар кўлами салоҳият ва имкониятлар даражасида эмаслигини таъкидлади. Бунинг асосий сабаби коммуникация соҳасидаги объектив ва субъектив муаммолардир. Ислом Каримов ва Эдуард Шеварднадзе бу хусусда Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия фаолияти самарадорлигини ошириш зарурлигини таъкидлади. Бу комиссия мазкур соҳадаги асосий мувофиқлаштирувчи органдир.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўламининг ошиши эса бутун Ўзбекистон-Грузия муносабатлари мажмуининг барқарор ва узоқ муддатли тараққиётида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу боис Президентлар ҳукуматларга мазкур комиссияни фаоллаштириш, савдо-иқтисодий алоқаларни рағбатлантириш борасида эришилган келишувлар ижросининг амалий чораларини кўриш вазифасини юклади.

Ташрифнинг бевосита иқтисодий соҳага оид амалий натижаларидан яна бирини матбуот анжуманида Ислом Каримов эълон қилди. Президентимиз Грузия томони Поти бандаргоҳидан фойдаланиш бўйича янги имтиёзлар тизимини таклиф этгани ва Ўзбекистон уни қабул қилишини мамнуният билан таъкидлади. Бу Потининг Болтиқбўйи ва Араб денгизидаги бандаргоҳлар билан рақобатлашувига имкон яратгани ҳолда, Ўзбекистон учун янги қулайлик ҳамдир.

Ўзбекистон ва Грузия замонавий Буюк ипак йўлини вужудга келтириш ва ривожлантиришга қаратилган ТРАСЕКА лойиҳасининг фаол қатнашчиларидандир. Дунёда Кавказ орқали Европа ва Осиёни боғлайдиган бу транспорт тармоғига қизиқиш кундан-кунга ортмоқда. Э.Шеварднадзенинг таъкидлашича, янги Буюк ипак йўли аллақачон амал қилягти. Унингсиз Европа ва Осиёнинг алоқасини тасаввур қилиш мушкул. Яқинда оғир юк ташувчи автомобилларнинг биринчи карвони Брюсселдан Афғонистонга етиб боргани бунинг тасдиғидир. ТРАСЕКА қатнашчилари олдида турган вазифа эса ушбу йўл бўйида инфратузилмани ривожлантириш, хавфсизликни мустаҳкамлашдан иборат. Лойиҳани Европа Иттифоқи қўллаб-қувватлаши, АҚШ Конгрессида унга алоҳида аҳамият билан қаралиши яхши маълум.

Шу боис Президентлар Ўзбекистон-Грузия иқтисодий муносабатларининг муҳим бўғинини ташкил этувчи транспорт коммуникациялари масаласини теран таҳлил этди. Шунингдек, савдо-сотиқ борасида анъанавий маҳсулотлар билан чекланмасдан, янги товарлар олди-сотдисининг имкониятлари кўриб чиқилди.

Грузия томонининг фикрича, биздан фақат пахта ё транзит юк эмас, буғдой экспорт қилиш мумкин. У ёқдан боғдорчилик маҳсулотлари, цитрус мевалар, чой келтириш имконияти бор. Бу масалаларга, таъкидланганидек, ҳукуматлараро комиссия аниқлик киритиб, ечим топиши керак.

Президентимизнинг Грузияга ташрифи ўзаро муносабатлар ҳуқуқий пойдеворини янада мустаҳкамлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги қўшма баёнотга имзо чекди. Шунингдек, икки мамлакат ўртасида Консуллик конвенцияси, Ўзбекистон ҳукумати билан Грузия ҳукумати ўртасида психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний юргизилишига қарши курашда ҳамкорлик, фуқароларнинг ўзаро келиб-кетиш шартлари, даврий нашрлар ва китоб маҳсулотларини айирбошлаш ҳамда тарқатиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди.

Булар Ислом Каримовнинг Тбилисига сафари нечоғли самарали кечганини кўрсатади. Таъкидламоқ жоизки, ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш йўлидаги бу саъй-ҳаракатлар бошида бевосита икки мамлакатнинг Президентлари туради. Уларнинг ҳамфикрлиги, муштарак мақсадлар йўлидаги интилишлари мамлакатларимиз муносабатлари ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг яққол тасдиғи сифатида сафар асносида Ислом Каримов Грузиянинг юксак мукофоти билан тақдирланганини келтириш мумкин. Ислом Каримов Ўзбекистон ва Грузия халқлари ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун мамлакатнинг хориж фуқароларига бериладиган олий мукофоти — «Охрус верди» ордени билан тақдирланди. Грузия ва Ўзбекистон алоқаларини равнақ топтиришга қўшган катта ҳиссаси учун Грузия Президентига давлатимизнинг «Буюк хизматлари учун» ордени топширилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Президентининг Грузияга давлат ташрифи истиқболда катта самара берадиган кўплаб амалий натижалар билан якунланди. У икки томонлама муносабатларда янги саҳифа очиши шубҳасиз.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири
Тошкент-Тбилиси-Тошкент.
(ЎзА) олган сурат

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ XXI АСРДА — 2-бет

Ma'rifat МАСЛАҲАТХОНАСИ — 3-бет

САЪНАТ – БЕОЗОР ТАРБИЯЧИ — 5-бет

ЯНГИ ДАРСЛИК ЧОП ЭТИЛАДИ — 6-бет

ФАРЗАНД ЎЗИНИ ҚАНДАЙ БАҲОЛАЙДИ? — 11-бет

Dasturni yaratish jarayonida rus maktabi va o'zbek maktabi o'quv dasturi solishtirilib, imkon qadar yuqori darajali o'quv dasturini yaratish uchun izlanishlar olib borildi.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

TABRIK

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimovning paxta tayyorlash shartnomaviy rejasini bajargan Sariosiyo tumani paxtakorlariga yo'llagan tabrigi matbuotda e'lon qilindi.

XALQARO ANJUMAN

Britaniya kengashi va O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi hamkorligida tashkil etilayotgan, til va taraqqiyot masalalariga bag'ishlanib Toshkentda o'tkaziladigan oltinchi xalqaro anjumanga Osiyo, Afrika, Avstraliya, Shimoliy Amerika va Yevropa davlatlaridan 250 dan ziyod mutaxassislarning kelishi kutilmoqda.

KO'RGAZMA

O'zbekiston Badiiy akademiyasining zamonaviy san'at markazida musavvir Lana Limning shaxsiy ko'rgazmasi ochildi. Olmaota teatr va rassomchilik institutini tugatgan musavvir ijodida qozoq va o'zbek tasviriy san'ati an'analari uyg'unlashib ketgan.

ZIYORAT

Shahrixon tumani oqsoqollari, mehnat faxriylari va ishlab chiqarish ilg'orlaridan bir guruhi Samarqand, Buxoro, Xiva va Toshkent shaharlarida bo'lib, tarixiy va zamonaviy me'morlik obidalarini ziyorat qilishdi.

ҒАЛЛАСИ МЎЛ ЮРТ ФАРОВОН

Тошкент давлат аграр университетида "Мустақил юрт ғалласи" китобининг тақдимот маросими ўтказилди

Ғалласи мўл бўлган юртда фаровонлик, маъмурчилик ҳукм суради. Чунки ғалла — нон, нон — ризқ-насиба, ризқ-насиба — тириклик, тириклик эса бу бахт.

Ўзбекистоннинг ўз ғалласи бўлиши керак. Бўлганда ҳам у ўз халқига етиб ортиши, керак бўлса четга ҳам экспорт қилиниши, лозим, буни эса юртнинг ғалла мустақиллиги дейиш мумкин. Ана шу ташаббус, ана шу ғоя ҳам Ўзбекистон мустақиллигининг илк йилларида Президентимиз томонидан илгари сурилган эди.

Орадан маълум вақт ўтди. Ўзбекистон халқимиз, Юртбошимиз орзу қилган мамлакатга айланди. Хўш, бунга қандай эришилди? Ўзбекистон ғаллакорларининг юртимиз аҳолисини дон ва дон маҳсулотлари билан таъминлаш йўлидаги изланишлари, уринишлари қандай намоён бўлди?

Taqdimot

Ана шу саволларга жавоб "Мустақил юрт ғалласи" китобида мужассам бўлиб, у ҳақидаги мулоҳазалар, ижобий маънодаги эътирофлар Тошкент давлат аграр университетида бўлиб ўтган тақдимот маросимининг мазмун ва йўналишини белгилаб берди.

"Токи, ғалла мустақиллигига эришмас эканмиз, иқтисодий мустақиллик ҳақида гапириш ортиқча" деган давлатимиз раҳбарининг башорати китобга бошдан-оёқ мазмун бағишлаб турганлиги ҳам рост.

Тақдимот маросимининг давра суҳбати шаклида ўтказилиши иштирокчилар ўртасида эркин баҳс-мунозарани вужудга келтирди. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда республика қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш марказининг мутасадди ходимлари, тармоққа дахлдор илмий ишлаб чиқариш институтлари тадқиқотчилари, "Ўздонмаҳсулот" компанияси мутахассислари, "ИКАРДА" халқаро ташкилоти вакиллари, магистрлар, аспирантлар, ўқитувчилар бу китобнинг илмий-амалий аҳамияти хусусида гапириб, унинг оммабоп-ҳаммабоп нашр бўлганини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Маросим муносабати билан ташкил қилинган "Ғалла мустақиллиги" кўргазмаси, шунингдек, бу соҳада университет олимлари олиб бораётган илмий тадқиқотлар билан танишув ҳам таклиф қилинганларни бефарқ қолдирмади.

Президентнинг Давлат маслаҳатчиси ўринбосари А.Мелибоев тадбирда сўзга чиқиб, "Мустақил юрт ғалласи" китобини нашрга тайёрлаган муаллифлар гуруҳига миннатдорчилик билдирди.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ XXI АСРДА

Ўзбекистон Миллий университети ташкил этилганига 85 йил тўлди. Шу муносабат билан мазкур таълим даргоҳида «Университет XXI асрда: натижалар ва истиқболлар» мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар, илмий-тадқиқот муассасалари, мамлакатимиз ва хориждаги олий ўқув юртлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Анжуманни Ўзбекистон Миллий университети ректори, академик Т.Долимов очар экан, ушбу таълим даргоҳининг турли соҳаларда етук мутахассислар тайёрлаш борасидаги ютуқлари нафақат мамлакатимиз, балки минтақа давлатлари илм-фани, халқ хўжалиги, халқаро алоқалари ривожига қўшаётган ҳиссаси катта эканлигини таъкидлади.

Бу даргоҳда таҳсил олган талабалар орасидан кўплаб таниқли олимлар, ижодкорлар, жамоат ва давлат арбоблари етишиб чиққан.

Ўтган йиллар мобайнида мазкур университет негизида ташкил этилган ўнлаб илмий муассасалар, академиялар, олий ўқув юртлари жамият тараққиётини таъминлаш, халқимиз тафаккурини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этди. Университет ташкил этилганидан буён 110 мингдан зиёд олий маълумотли мутахассис тайёрланди. Улар халқ хўжалигининг барча соҳаларида самарали меҳнат қилмоқда.

Мамлакатимиз Президентининг Фармонига биноан Ватан ва миллат тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатган жадид зиёлиларининг буюк хизматлари эътироф этилиб, университет жамоасининг фан ва таълим соҳасидаги юксак салоҳияти, халқаро нуфузи назарга олинган ҳолда мазкур олий ўқув юртига «Миллий университет» мақоми берилиши тарихий ҳақиқатнинг тикланишида муҳим аҳамият касб этди.

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури университет салоҳиятини янада юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда. Бугун унда 15 факультет, 120 кафедра, икки академик лицей, икки илмий текшириш институти мавжуд. Ўқув жараёнига минг нафарга яқин профессор-ўқитувчи жалб этилган.

Таълимнинг 29 йўналиши бўйича бакалавр, бир юз бир ихтисослик бўйича магистрлар тайёрлаётган ЎзМУ фундаментал ва ижтимоий-гуманитар соҳаларнинг 24 бакалавр йўналиши бўйича таянч олий ўқув юрти ҳисобланади.

Университетда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ушбу соҳада замон талабларига жавоб бера оладиган юқори малакали мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилаётир.

2003 йилда университет олимлари Фан ва технологиялар маркази томонидан эълон қилинган танловда 98 илмий мавзу, еттита инновация бўйича грант соҳиби бўлди. 425 минг АҚШ доллари миқдорида чет эл гранти асосида илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқда.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Азизхўжаев, Ўзбекистон Қаҳрамонлари О.Шарафиддинов, Э.Воҳидов, А.Орипов, олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов, Париж Сорбонна университети президенти К.Шатюиза, Москва давлат университети проректори В.Мамонтов ва бошқалар сўзга чиқди. "Бу юбилей — менинг юбилейимдек гап, дея сўз бошлади Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос Озод Шарафиддинов. — Менинг 75 йиллик умримнинг 60 йили университет билан боғлиқ. Барча ютуқларимга университет туфайли, университетнинг китоблари, профессор-ўқитувчилари туфайли эришганман. Зиёлиларни етказиб беришда дорилфунун катта рол ўйнайди. Бундан қанча фахрлансак кам". Қутловлар Қирғизистон ва Тожикистон миллий университетларининг ректорлари табрик сўзлари ва эсдалик совғалари топширишга уланиб кетди.

Анжуман сўнгида сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, шоир Эркин Воҳидов университетнинг 85 йиллик тўйи билан устозларни қутлаб,

Эзгулик соғинчи ўртаб кўнглимни,
Бош уриб қошингга келган бу куним —
Сидқимни қабул эт, тарк этма мени,
Азизим, мунисим, дорилфунуним,

шеърий жумлалар билан ўз сўзини якунлади.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Абдувоҳидов иштирок этди.

Азиз НОРҚУЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ЎҚУВЧИ ИҚТИДОРИ ҚАНДАЙ ШАКЛЛАНАДИ?

Иқтидорли ўқувчилар ҳар бир мактаб жамоасининг фахри. Уларнинг сафини ошириб бориш эса мураббийларнинг бирдан-бир мақсади. Шу ўринда айрим бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан ишлашни яхшилаш, уларни аълочи ўқувчилар сафига қўшиш учун нима қилиш керак, деган савол туғилиши табиий. Зомин туманидаги 50-мактабда "Умумтаълим мактабларида иқтидорли ва бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан ишлашда ноанъанавий усуллардан фойдаланиш" мавзусида ўтказилган вилоят семинар-кенгашида асосий диққат-эътибор ана шунга қаратилди.

Аввало, ушбу семинарнинг 50-мактабда ўтказилиши тасодиф эмаслигини таъкидлаш лозим. Мактабнинг иқтидорли болалар билан ишлашда ўзига хос тажрибаси бор. Мазкур мактабнинг ўқувчиси Р.Кенжаев рус тили фани бўйича ўтказилган халқаро умумтаълим фан олимпиадасининг ғолиби бўлган эди.

Seminar

Семинар иштирокчилари ана шу тажрибани ўрганиш имконига эга бўлдилар. Бунинг учун иқтидорли ўқувчилар ва бўш ўзлаштирувчи синфлар танлаб олиниб, ноанъанавий усулдаги тренинг дарслари ташкил этилди. Ушбу семинар-тренинг мутахассислар томонидан таҳлил қилинди. Иштирокчилар ўтказилган ноанъанавий машғулотларнинг нечоғлик мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Унга кўра ушбу тренинг тарзида ташкил этилган семинар-кенгашни ҳар чорак якунида вилоятнинг узоқ масофаларида жойлашган таълим муассасаларида ўтказиш, 50-мактаб ўқитувчиларининг иш тажрибасини вилоят миқёсида оммалаштириш, иқтидорли ва бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан ишлашда дарсларда интерфаол усуллардан фойдаланишга муҳим эътибор қаратиш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Хулоса шуки, вилоят миқёсида ўтказилган семинар-кенгашда иштирокчилар келгусида иқтидорли ва бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан ишлашни янада такомиллаштириш борасидаги ўз тажрибаларини бойитдилар. Бу борада изланиш ва ўқитувчининг маҳорати, дунёқарашига кўп нарса боғлиқ эканлиги аён бўлди. Зеро, ўқувчи шахсининг камол топишида ўқитувчи ҳамиша ибрат мактабини ўтаб келганлиги сир эмас.

С.ЎТАМАЛИЕВА,
А.СОДИҚОВ

ТИНГЛАБ ЎРГАНАМИЗ

Xabar

Юртимизда фаолият юритаётган "Росзарубежцентр" ваколатхонаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда умумий ўрта таълим мактабларининг 5-11-синф ўқувчиларини рус адабиёти билан яқиндан таништириш, уларнинг дарсликларга бўлган эҳтиёжини қоплаш мақсадида рус адабиёти бўйича тўлиқ аудио қўлланмаларини яратиб мактабларга улашмоқда.

— Ҳаракат фаолияти яна бир неча ой давом этади. Ҳозирча пойтахтнинг 63 та мактабини бундай аудиоқўлланмалар билан таъминладик. Эндиги ишимиз вилоят мактабларига ҳам етказиш, — дейди "Росзарубежцентр" ваколатхонаси бошлиғи Сергей Жилкин.

Аудиоқўлланма Республикамиздаги умумий ўрта таълим дастуридаги барча рус мумтоз адабиёти намоёндаларининг ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи 52 та аудиокассеталардан иборат. Овозли мажмуа тахминан бир ярим йил ичида Тошкентда яратилиб, унга Ўзбекистон Академик рус театри артистлари овоз беришди. Дастурни яратиш жараёнида рус мактаби ва ўзбек мактаби ўқув дастури солиштирилиб, имкон қадар юқори даражали ўқув дастурини яратиш учун изланишлар олиб борилди.

Шунингдек, аудиоқўлланмалар кутубхоналарга, жумладан, А.Навоий номидаги миллий кутубхонага ҳам етказилди.

Доно РУСТАМОВА,
талаба

«КИТОБХОНЛИК КУНИ»

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамда Ўзбекистон Очиқ жамият институти — кўмак жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган "Китобхонлик куни" кўрик-танлови ҳам ўз ниҳоясига етди. Куни кеча Республика Миллий кутубхонасининг ёшлар маркази залида ана шу кўрик-танловнинг якуний байрамига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда пойтахт кутубхоналари ва вилоят кутубхонаси ходимлари ҳамда Чирчиқ марказий кутубхоналар тизимидаги китобхонлар қатнашдилар.

Байрам тадбирини Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори Абдусалом Умаров кириш сўзи билан очар экан, ташриф буюрганларни китобхонлик байрами билан қутлади. Шундан сўнг пойтахтимиздаги 145-ўрта мактаб болалар мусиқий жамоаси ўзининг турли миллат ва элат куй-қўшиқларидан ташкил топган бадиий чиқишларини томошабинлар ҳукмига ҳавола этди. Байрам давомида меҳмонлар китобга, билим олишга, ёшларга бағишланган китоб-расмлар кўргазмалари, шунингдек, "Матбуот-2003", "Янги авлод танламоқда", "Билимлар дунёсидаги миссионерлар", "Кутубхона кеча ва бугун", "Олам болалар кўзи билан" мавзусидаги кўргазмалар ҳамда миллий кутубхона ходимлари томонидан ясалган гулдасталар билан танишдилар.

Кўргазмаларга қўйилган расм ва гулдасталарда инсоннинг руҳий ҳолатлари, дунё зиддиятлари, ҳаёт ва унинг давомийлиги акс эттирилган бўлиб, томошабинларни бир зум бўлса-да, ўйлашга, фикрлашга ундайди.

Бир неча кун давом этган китобхонлик байрами ўз ниҳоясига етди. Бироқ китобсевар халқимиз ҳали бу байрамни йиллар давомида нишонлашига ишонамиз ва умид қилиб қоламиз.

Аброр УМАРҚУЛОВ,
ЎзМУ талабаси

МЕН СИЗЛАРНИ ЎШАНДАЁҚ КЕЧИРГАНМАН

деди муаллима кўзига ёш олиб

Iqror

Ўқитувчининг бағри кенг, қалби болалар сингари беғубор, у кечирувчи, энг шўх ўқувчиларига ҳам омадлар тиловчи, қаерда бўлмасин ўқувчиларининг тақдири билан қизиқувчи, сўраб-суриштирувчи, маслаҳат берувчи, оғир кунингда қўллаб-қувватловчи, яхши кунларингда хурсандчилигингни кўпайтирувчи... қисқаси, таърифга сиғмайдиган инсонлар эканлар. Бунга кўп маротаба имон келтирганман. Айниқса, ўқувчилик давримда бўлиб ўтган бир воқеа барчасини тасдиқловчи "имзо" қўйган.

Ўшанда саккизинчи синфда ўқир эдик. Синфимиз ўқувчилари бошқа синфдагиларга қараганда шўхроқ эди. Баъзида ҳеч кимнинг хаёлига келмаган найрангларни ўйлаб топардик. Ўша куни ҳам шундай бўлди. Катта танаффусдан кейин рус тилидан кирадиган татар опайимизнинг дарси эди. Шу куни диктант ёзишимиз керак, ўтган дарсда тайёргарлик кўриб келишимизни огоҳлантирган. Ҳамма ташқарида эканида Холмат, Икром ва мен секин синфга кирдик. Парта устидаги ручкаларни отиб, шифтга санчиб қўйдик. У пайтда пероли ручкаларда ёзар эдик.

Қўнғироқ чалингандан сўнг, опайимиз кириб келиб саломлашди-да, диктант дафтарларимизни тарқатди ва сана ва мавзуни ёзишимизни буюриб, ўзи доскага ёза бошлади. Барчамиз ёзмай ўтирибмиз. Опайимиз бу ҳолдан таажжубга тушиб, аввалига ҳеч нарсани тушунмади, ёзмаслигимиз сабабини суриштира кетди. Бир қизимиз "опай" деди-да, шифтни кўрсатди. Саволига жавоб ололмагач, ташқарига югуриб чиқиб кетди. Салдан сўнг мактабимиз раҳбарларини бошлаб кирди. Улар суриштирувнинг қистови билан охири ижрочиларни билиб олди. Айбимизга яраша эсдан чиқмайдиган қилиб жазойимизни ҳам олдик.

Аввалига айбдор эканлигимизни унчалик сезмай юрдик. Ўқувчилик тушунчаси билан айбсиз ёки айбдор эканлигингни фарқига боролмас экансан. Лекин кейинчалик, айниқса, мактабни битиргандан сўнг опайимиз олдида жуда катта гуноҳ иш қилиб қўйганлигимизни англаб етдик. Ўқитувчимизга кўриниб қолишдан уялардик. Фавқулодда кўча-кўйда рўбарў бўлиб қолсак, йўлимизни бошқа томонга буриб кетардик. Ўша воқеа эсимизга тушса қизариб, хижолат бўлардик. Бу уят юкини ўттиз йил кўтариб юришимизга тўғри келди.

Яқинда синфдошлар мактабни битирганимизга ўттиз йил тўлиши муносабати билан учрашув уюштирдик. Учрашувдан мақсадимиз фақат дийдорлашув эмас, балки опайимиздан қилган айбимиз учун кечирим сўрамоқ ҳам эди.

Байрамимизга барча синфдошлар, устозларимиз келишди. Опайимиз анча ёши ўтиб қолган, нафақада эди. Бориб олиб келдик. Кечани ярмида бундан ўттиз йил олдин қилган айбимиз учун кечирим сўраб, қаршисида бошимизни эгиб турдик. Шунда опайимиз йиғлаб юборди ва "Мен сизларни ўшандаёқ кечирганман, менинг шўх болаларим" деб барчамизни пешонамиздан ўпиб чиқди. Шундагина биз ҳам эркин нафас олиб, қўрқмай, уялмай опайимизни бағримизга босдик. Елкамиздан босиб турган ўттиз йиллик оғир юк шу куни тушгандай бўлди, енгил бўлдик.

Ҳа, ўқитувчилар кечиримлилик борасида таърифга сиғмайдиган инсонлар экан.

Қосимжон СОЛИЕВ,
Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактабининг маънавий-маърифий ишлар бўйича раҳбар ўринбосари

«Ma'rifat» tanlovi

ИЖОД НАМУНАСИ

Газетамизда ўз ижод намуналари билан иштирок этган барча ижодкору муштарийларга ижодий баркамоллик тилаб, "Ma'rifat" танловининг навбатдаги — сентябрь ойи ғолиблари билан таништирамиз.

***Энг яхши саҳифа** номинациясига газетамизнинг 13.04.2003 эълон қилинган "Ma'rifatga maktublar" саҳифаси муносиб кўрилди. (Ш.Нишонов томонидан тайёрланган).*

***Энг яхши мақола** учун таҳлил гуруҳи аъзолари томонидан айтиб ўтилган бир қанча мақолалар ("Ота камари: у тарбияда самара берадими?", "Ишқ олдида ҳамма тенг", "Янги директорнинг "янгича иш"лари" ва бошқалар) орасидан "Ота камари: у тарбияда самара берадими?" (27.09.2003) мақоласи муносиб деб топилди. (муаллифи И.Турсунов).*

*Кураш бўйича Жаҳон ва Ўзбекистон чемпиони Баҳром Авазов билан "Mehmonxona" саҳифасида уюштирилган «Ўзбекни ҳалоллик тарк этмасин» сарлавҳали суҳбат (муаллиф Б.Жовлиев) **энг яхши интервью** номинациясида биринчи ўринни эгаллади.*

*Ҳар янги ўқув йилида янги-янги таълим муассасалари қуриб, фойдаланишга топшириш одат тусига айланиб бормоқда. Газетанинг 06. 09.2003 сонида эълон қилинган "Янги ўқув йилига — янги мактаб" сарлавҳали хабар (муаллифи Х.Султонов) **энг яхши янгилик** номинацияси бўйича биринчи ўринга лойиқ деб топилди.*

*"Илк қўнғироқлар мустақиллик дарсларига чорлади" сарлавҳали репортаждаги "биринчи қўнғироқ" суратлари (Б.Ризоқулов) **энг яхши сурат, фотолавҳа** номинацияси бўйича биринчиликни қўлга киритди.*

Ғолибларни табриклаб, ижодкорларни танловга чорлаб, уларга омад тилаб қоламиз!

Ma'rifat МАСЛАҲАТХОНАСИ

Навоий вилоятида истиқомат қилувчи Н.Имомовдан

САВОЛЛАР: 1. Компенсация электр энергия билан газга ўтказиладими?

2. Агар битта оилада иккита ёки ундан ортиқ киши ўқитувчи бўлиб ишласа, икковига ҳам компенсация тўланадими ёки биттасигами? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармонига биноан қуйидагиларга энг минимал иш ҳақининг 45 фоизи асосида компенсация пул тўловлари 2003 йил 1 апрелдан тўлана бошланди ва ойлик иш ҳақига қўшиб берилади:

— барча типдаги умумтаълим мактабларининг педагогик маълумотга эга ўқитувчилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, тарбиячилари, концертмейстрларига;

— академик лицей, касб-ҳунар коллежлар ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқитувчилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, ишлаб чиқариш усталари, психологлар, методистлар, тарбиячилар, концертмейстрларига;

— меҳрибонлик уйи тарбиячилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, психологларга;

— педагоглик маълумотига эга бўлган тарбиячилар, ўқитувчилар, мудирлар, директорлар, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, мактабгача таълим муассасаларининг психологларига;

— педагоглик маълумотига эга ва тренерлик иши олиб борган мактабдан ташқари таълим муассасаларининг ўқитувчилари, тарбиячилари, тренер-ўқитувчилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, инструктор-методистларига;

— олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилар таркиби, ректорлари, ўқув, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорларига, филиалларнинг директорлари ва ўқув, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, илмий котиблар, ишлаб чиқариш усталари, ҳисоб марказлари бошлиқлари, инженерларига;

— юқорида айтиб ўтилган ходимлар тоифасига кирувчи педагоглик ва илмий педагоглик стажи 10 йилдан кам бўлмаган пенсионерларга компенсация оиладаги ҳар бир ўқитувчига тўланади.

Й.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси

ОШХОНА ИШГА ТУШДИ

Риштон туманидаги 35-мактаб ўқитувчи ва ўқувчиларининг кўп йиллик орзулари ушалди. Бир неча йилдан буён битмай ётган мактаб ошхонасини олийҳиммат ҳомийлар — Ражабов номидаги ширкат хўжалиги, туман газлаштириш идораси, Н.Шерқулов, А.Усмонов, Ш.Тошпўлатов каби хусусий тадбиркорлар ва ота-оналар ўз оталиғига олишди. Яқинда уларнинг беғараз ёрдами билан 100 ўринли янги ошхона тўлиқ жиҳозланиб, фойдаланишга топширилди.

Акрамжон ТУРСУНАЛИЕВ,
«Ma'rifat»нинг махсус мухбири

ИСИТИШ ТАРМОҚЛАРИ ТАЪМИРЛАНДИ

Асака шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 10-ўрта мактабга Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси 1998 йилдан бери ҳомийлик қилиб келмоқда. Бу қўшма корхонанинг беминнат ёрдами туфайли 10-ўрта мактабнинг барча иситиш тармоқлари қайтадан таъмирланди.

Шуҳратбек КЕЛДИЕВ,
Андижон шаҳри

Shu songa xabar

ОСИЁ РИВОЖЛАНИШ БАНКИНИНГ ЁРДАМИ

Шуманай туманидаги 13-мактабда Осиё ривожланиш банки ёрдами билан «Таълим секторини ривожлантириш дастури» режаси бўйича йирик таъмир ишлари якунланди. Синфхоналарни жиҳозлаш учун эса 5,5 миллион сўм маблағ ажратилди.

Ҳ.ЗИЁЕВ

Ижтимоий йўналишдаги Республика махсус гимназияси бошланғич синф ўқитувчиси Матлуба Баҳромованинг ҳар бир дарсини ўқувчилар меҳр билан тинглашади.

Суратда: ўқитувчи дарс жараёнида.

М. АМИН олган сурат.

“Nega falonchi o‘rtog‘im bilan mening bahom teng bo‘lib qolibdi, men undan yaxshi o‘qiyman-u?”

БИЗ КИМНИ АЛДАЯПМИЗ?

Aks sado

Севимли газетамизда чоп этилган “Бўш ўзлаштирувчи ўқувчи”... (“Ma’rifat” 2003 йил 30 июль) сарлавҳали мақолани қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Янги ўқув йили арафасида муаллиф энг долзарб мавзуни муштарийлар муҳокамасига ҳавола қилиб, тизимимиздаги ташвишли ҳолат ҳақида бонг урган. Мақолада таълим соҳасининг энг қуйи бўғинидан то юқори мансабдорларгача биладиган, лекин билиб билмасликка солиб келинаётган муаммо тилга олинган. Ўқувчилар билимини баҳолаш, билимдаги бўшлиқ пайдо бўлиши сабаблари очиб ташланиб, таҳлил этилган.

Аслида ўқувчилар билимига ошириб баҳо қўйиш бир қарашда мустабид тузумдан ўтган сарқитдир. Афсуски, бу сарқит ўқув юртларида “меросдай” ўз “аҳамиятини” йўқотмай келаяпти. Маълумки, ўша йилларда халқ хўжалигининг барча бўғинларида қўшиб ёзиш, қилинмаган ишни “Бажарилди!” деб рапорт бериш одат тусига кирган эди. Раҳбарлар “100” рақамига сиғинарди. Юқоридан берилган топшириқни бажариш мажбур. “План — қонун, мажбурият — бурч” шиорини истисно қилган раҳбар ходим айбдор саналиб, ё амал курсисидан ажралар, ёки панжара орқасига тиқиларди. Амалдан ажралиб қолмаслик, жон сақлаш учун сохта маълумотлар билан бир-бирини алдашарди. Охир оқибат алдамчилик мустабид тузумнинг бошини еди.

Мактабдаги мавжуд вазиятни таҳлил қиладиган бўлсак, муаллим фаолиятига баҳо беришда “Ёмон ўқувчи йўқ, ёмон тарбиячи бор. Ўқувчи дастурни ўзлаштиролмаса, фақат ўқитувчи айбдор” тамойилига асосланиш одат бўлиб қолган. Агар ўзлаштириш 100 фоиздан каму, сифат кўрсаткичи 75 фоизга етмаса, “айбдор” муаллим педкенгашларда муҳокама қилинади, танқид остига олинади, касбдошлари орасида мулзам бўлади. Илмий мудир чорак орасида “икки” баҳони “ювиш” учун қўшимча машғулотлар белгилайди. Ўқитувчи эса беобрў бўлиб қолишни истамайди, бу биринчиси. Ўтиладиган қўшимча машғулотдан у моддий манфаатдор эмас, бу икки. Демак, муаллим тинчгина юриш учун ўқувчи олган баҳога “чўнтагидаги” баҳодан озгина қўшиб, журнални қоралаб қўя қолади. Нима “уч” ўрнига “тўрт” қўйса, уни асакаси кетармиди? Ёзма ишлар текширишда, қизил ручка ўрнига кўк ручка ишлатилаверади. Ўрганувчи билимини баҳолашдаги яна бир қусур — ўқувчига шеригига нисбатан баҳо қўйиш. Ўзлаштиролмайдиган ўқувчига “3” баҳо қўйдингми, ўртача ўқийдиган ўқувчига “4” қўйиш шарт, чунки ҳозирги ёшлар анойи эмас, муаллимнинг нозик жойини яхши билади, у устозидан “ҳаққини” талаб қиладиган бўлиб қолган. “Нега фалончи ўртоғим билан менинг баҳом тенг бўлиб қолибди, мен ундан яхши ўқийман-у?” Хўш, 100 фоизга эришмаган ўқитувчини исканжага олиш керакми? Бу саволга бир хорижий мактабдаги ўзлаштириш кўрсаткичларини ҳавола этиб, сўнгра жавоб излаб кўрамиз.

Дунёда ривожланган мамлакатлар қаторида турадиган Буюк Британияда 90 фоиз ўқувчилар давлат мактабларида таълим оладилар. 5-10 ёшида болалар бошланғич мактабда ўқиб “ўн бир+плюс” имтиҳонларини топширадилар. Уларнинг саводхонлиги, ҳисобдонлиги, ёзув малакалари синаб кўрилиб, кейинги босқичга ўтказилади. 16 ёшда эса якуний имтиҳонлардан ўтиб, мактабни битирганлиги ҳақида ҳужжат олади. Бошланғич мактабларда ижродаги ўқувчилар сони 30 та қилиб белгиланган. Юқори босқичда ўртача 18 ўқувчига 1 ўқитувчи ҳисобидан синфлар ташкил этилади. Англияда 1998 йил сентябрь — 1999 йил сентябрь оралиғида Миллий саводхонлик ва ҳисобдонлик стратегияси қабул қилинган. Бу ҳужжат бошланғич таълим сифатини яхшилашга хизмат қилмоқда. 2001 йил якунларига кўра 11 ёшлилар она тили(инглиз)дан ўзлаштириши керак бўлган стандарт талабларини 75 фоиз ўқувчи ўзлаштирди. Стратегия қабул қилингандан кейинги уч йил давомида 10 фоиз кўрсаткич ўсишига эришилди. Математикадан бу кўрсаткич 71 фоизни ташкил қилиб, 1998 йилдагидан 12 фоиз юқоридир. 2002 йилда бошланғич мактабларда 80 фоиз саводхонлик, ҳисобдонлик 75 фоиз бўлган эди, 2004 йилда бу кўрсаткичлар саводхонликда 85 фоиз, ҳисобдонликда 80 фоиз ўзлаштиришга эришиш кўзда тутилган. (Маълумотлар “Education and Training in the United Kingdom” puflished bu the Foreign and Commonwcalth office. London — 2002) ахборотномасининг 7-8-бетларидан қисқартириб олинди).

Ҳисоботларни таҳлил қилган зукко газетхон, агар эътибор берган бўлса, бирор ўринда 100 фоизлик натижани кузатмайди. Уч юз йиллик таълим тизимига эга бўлган, деярли ҳар бир оила компьютер билан жиҳозланиб, “Интернет”га уланган ривожланган мамлакат билан ўз таълим тизимимизни қиёсласак, ҳали 100 фоиз натижага эришиш учун кўп иш қилишимиз керак бўлиши ойдинлашади.

Асосий мавзуга қайтадиган бўлсак, таълим муассасаларида сохта фоизлар ортидан қувишни тўхтатиб, ўқувчи саводхонлиги ва ҳисобдонлигини биринчи ўринга қўйиш пайти аллақачон етиб келган. Ахир, кимдан яширамиз ўқувчиларимиз орасидаги исми-шарифини тўғри ёзаолмайдиганларни, кимдан яширамиз мактабда 11 йил ўқиб, тўрт амални билмай шаҳодатнома олаётганларни?..

Масаланинг ечимини, ўқитувчига зуғум ўтказишдан эмас, ўқувчи билимидаги бўшлиқ қаердан пайдо бўлаётганидан излаш керак. Кейинги йилларда мактабларда психолог хизмати жорий қилинди. Психологнинг вазифаларидан бири бўш ўзлаштирувчи ўқувчининг шахсини ўрганиб, дарсларни кузатиб, оиласи билан боғланган ҳолда унинг ўзлаштирмаслик сабабларини аниқлашда синф раҳбари ва фан ўқитувчисига яқиндан ёрдам кўрсатишдир. Амалда эса, улар юқори ташкилот топшириқларини бажарувчи ва айрим қоғозларни қораловчи бўлиб қолган. Ваҳоланки, ҳаммамизнинг вазифамиз ҳар бир ўқитувчига ўқувчи келажаги учун жавобгарлик ҳиссини кенгроқ тушунтириб бориш; муаллимни оилавий майда икир-чикирлар билан ўралашиб қолишидан халос қилиш — унинг моддий аҳволини кўтариш; лицей ва коллежлар билан баробар, мактаблар моддий базасини ўстириш; фақат айрим шаҳар мактабларинигина эмас, балки қишлоқ мактабларини ҳам хорижий ҳамкорлар билан боғланишига кўмаклашиш; ўқитишнинг (амалдаги) бир қолипдаги таълим бериш тизимидан тезроқ халос этиш, янги педагогик технологияларга доир концепцияларни ишлаб чиқиб, уни амалиётга тезроқ тадбиқ этиш; ДТСни рўёбга чиқаришнинг илмий асосларини яратиш ва унинг бажарилиши ҳаққонийлигини мониторинг назоратидан ўтказиб бориш; ўқувчи ҳар бир босқичда эгаллаши керак бўлган билимларни ўзлаштиришига оид тест банкини яратишдан иборатдир.

Хуллас, ривожланиш босқичига кирган мустақил мамлакатимиз равнақи учун сохта “4”, “5” лар билан тўлдирилган шаҳодатнома эгаси эмас, балки Юртбошимиз такрор ва такрор таъкидлаётган мустақил дунёқарашга эга, кенг билим қамровли бўлғуси юрт эгалари керак. Энди бир-биримизни алдасак, ўзимизни алдаган бўламиз ва у она-Ватан келажагига хиёнат билан баробардир.

Азимжон ПЎЛАТОВ,
Бешариқ туманидаги
30-умумтаълим мактаби
ўқитувчиси

МЕҲНАТИ БИЛАН ТАНИЛАЁТГАН МАКТАБ

Кўплаб мактабларимизда меҳнат таълими фанига нисбатан бўлган эътибор талаблар даражасида эмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Жуда кўп ҳолларда ўқувчиларимиз меҳнат таълими дарсларини мактаб ўйингоҳларида копток тепиш ёки қандайдир мазмунсиз машғулотлар билан ўтказмоқдалар.

Хўш, меҳнат таълими фани талаблар даражасида ўқитилаётган мактаблар ҳам борми, ўзи? Ҳа, бор! Касби туманидаги 15-мактаб худди ана шундай ўқув даргоҳларидан бири.

ЁҒОЧГА ИШЛОВ БЕРАЁТГАН БОЛАЛАР

Мактабда “Ёғочга ишлов бериш” хонаси ташкил этилган. Бу хонага мактабнинг меҳнат таълими фани муаллими Шавкат Элмуродов раҳбарлик қилади. Хона ўз номига мос тарзда етарлича жиҳозланган. Хонада электрли парма ва чарх, ТС-120 русумли ёғоч ўймакорлиги станоги, "Верстак" столлари билан, арралару рандалар, боринги, керакли барча асбоб-ускуналар муҳайё.

12 нафар 10-синф ўқувчилари станоклар ёрдамида бешик қуббаларини ясашаяпти. Уларнинг ишлари анчагина сифатли. Айтиш мумкинки, ўқувчиларнинг қўллари ишга келишиб қолган.

— Мактабимизда меҳнат таълими дарслари алоҳида гуруҳларга бўлиб ўқитилади, — дейди Шавкат Элмуродов, — ҳозир ўғил болалар билан дарс ўтаяпман. Қизлар эса бичиш-тикиш бўйича сабоқ олишаяпти.

— Хўш, шогирдларингиз нималар ясашни уддалайдиган бўлиб қолишди? — сўраймиз домладан.

— Уларнинг аксарияти айни кунда станокда ишлаш малакасини эгаллашди. Мана улар кўриб турганингиздек, бешик қуббаларини чиройли ва бехато ясашаяпти. Ўқувчиларимиз асосан хўжалик учун зарур бўладиган нонпар, ўқлов, урчуқ, стол, стул, эшик ва ромлар ясаша оладилар. Улар билан биргаликда тайёр маҳсулотларни сотаяпмиз ҳам. Орттирган фойдамиз ҳисобига яна хомашё олиб келиб ишларимиз ҳажмини кенгайтираяпмиз...

ТЕМИРГА ЖИЛО БАХШ ЭТИБ

Биз токарлар хонасидамиз. Мана бу 9-синф ўқувчилари мураккаб ишлар бажара оладиган токарлик станогида больт, гайка ва шайбалар ясашаяпти. Улар ясаётган маҳсулотлар хўжалик моллари сотиладиган дўконларда турган шу турдаги маҳсулотлардан фарқ қилмайди. Маҳсулотлар сифатли ва чиройли ясалаяпти.

— Катта бўлсанг ким бўлмоқчисан? — сўраймиз ўзини Шуҳрат дея таништирган ўқувчидан.

— Токар бўламан! — дейди у ғурур билан. — Мен токарлик касбини севаман. Қизиқарли касб. Токар ихтирочи бўлиши керак...

"Бир йигитга етмиш ҳунар оз" дейди доноларимиз. Бу болалар ўсиб улғайгач, қайси бир касбни этагини тутса тутишаверсин. Энг яхши томони, улар мактаб партасида ўтирган пайтдаёқ меҳнат таълими фанидан бир касбни эгаллаб олмоқдалар.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ АСОСЛАРИНИ ЎРГАНАЁТГАНЛАР

Мактабда барча талабларга жавоб бера оладиган қишлоқ хўжалиги асослари хонаси ташкил этилди. Унга ўқитувчи Неъмат Зарипов раҳбарлик қилаётир.

— Қишлоқ хўжалиги асослари хонамизга "Лектор-2000" аппаратини сотиб олиб келиб ўрнатдик — дейди 15-мактаб директори Қурбоной Шозотова, — айни кунда қишлоқ хўжалиги, меҳнат таълими, биология фанларига оид жуда кўплаб кино тасмаларига ҳам эгамиз. Муаллимларимиз керакли пайтларда ўқувчиларга турли кинофильмларни намойиш қилишади. Ўқувчиларнинг етук билим эгаллашлари учун бу усул жудаям қўл келаяпти. Ахир, "минг марта эшитгандан кўра бир марта кўрган афзал" деганлар-ку.

Фарзандларимиз илмли бўлиши билан бир қаторда меҳнатсевар ҳам бўлишса қувонмай бўладими. Бас, шундай экан Касби туманининг 15-мактабида олиб борилаётган ишлар мақтовга лойиқдир. Қишлоқ хўжалиги асослари хонасининг жиҳозланишига эътибор беринг. Қишлоқ хўжалиги-ю меҳнат қоидаларига оид барча маълумотлар муҳайё. Бу ерда кундалик ҳаётимиз учун сув билан ҳаводек зарур бўлган маълумотлар жуда кўп.

— Дарҳақиқат, мактабимизда меҳнат таълими фанига катта эътибор қаратилган — дейди Қурбоной опа Шозотова — Бу борадаги ютуқларимизда мактабимизнинг маънавият ишлари бўйича директор ўринбосари, олий тоифали меҳнат таълими фани муаллими Омон Жабборовнинг алоҳида хизматлари бор. Меҳнат таълими фанига оид 7 та фан хонамизнинг аксарияти мана шу фидойи инсоннинг саъй-ҳаракатлари билан яратилган.

"Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар", дейди доноларимиз. Касби туманининг 15-мактабида меҳнат қилаётган 106 нафар ўқитувчи ўзаро аҳил ва иноқ. Улар 1324 нафар касбилик ёшларга фан асосларини мукаммал ўргатишаяпти. Жамоа аъзолари хусусан меҳнат таълими фанини ўқитиш бўйича ўзига хос тажриба мактабини яратишмоқда. Мактаб жамоаси меҳнатлари туфайли бугунги кунда нафақат туманда, қолаверса, Қашқадарё вилоятида танилаётир. Уларнинг орзулари ҳали кўп.

Абдували ОБИДДИН
“Ma’rifat”нинг махсус мухбири

Ўзбекистон халқ артисти, мумтоз қўшиқларнинг бетакрор ижрочиси Маъмуржон Тўхтасинов билан "Маърифат" газетасининг "Меҳмонхона" саҳифаси учун кечган суҳбатимиз асносида қаҳрамонимиз билдирган фикрлар мазмуни бир нуқтада туташаверди — санъат миллий бўлади. Яъни, ҳар бир халқнинг, миллатнинг энг сара хусусиятлари миллий санъатида акс этади. Ва табиийки, ҳар қандай миллатнинг санъати ўзгалар томонидан маромига етказиб ижро этилиши қийин. Ижролар ўз "эга"си томонидан бўлгандагина бу санъат сайқал топиб боради.

Маъмуржон Тўхтасинов билан ушбу мазмунда кечган суҳбатни ҳукмингизга ҳавола этсак.

Меҳмонхона

Маъмуржон ТЎХТАСИНОВ:

САНЪАТ — БЕОЗОР ТАРБИЯЧИ

— Маъмуржон, Сиз ҳақингизда сўз кетганда катта-кичик давралар асосан ижроларингиз, қўшиқларингиз мазмуни, оҳангдорлиги хусусида жўшиб айтиладиган сўзларга бой бўлади. Бошқа айрим санъаткорлардан фарқли ўлароқ, шахсингиз, оилангиз ҳақида мухлисларингиз ҳамма нарсани билавермайди. Лекин билгиси келади...

— Савол орқали санъатимга берган баҳоингиз учун ташаккур. Ўзим ҳақимда сўзлаш бироз ноқулайроқ, лекин муштарийлару мухлисларимиз учун ахборот бериш барибир ёқимли. Отам, онам (жойлари жаннатда бўлсин) беш нафар қизлари ичида мени якка ўғил сифатида бошқача масъулият билан тарбияладилар. Уларнинг кишиларга эътиборли ва меҳр оқибатли бўлгани ҳамда аввал эшитиб кейин сўзлашга одатлангани бизнинг тарбиямизга асос бўлган.

Дадам мактабда ўқиб юрганимда риштонлик Тўлқин ака Эргашевга (мусиқа мактабида ишлар эди) олиб борган ва шу ерда илк бор рубоб билан "танишдим". Кейинроқ, "Автойўлчи" (Қўқон автомобил йўллари техникуми қошида) ансамблида фаолият юритдим. Пойтахтда Икромжон Бўронов бошчилигидаги Ички ишлар вазирлигига қарашли ҳарбий ансамблда ҳарбий хизматни ўтадим. Тошкент давлат маданият институтида таҳсил олдим. Раҳматжон Турсунов, Тўлқин Тошматов, Тоҳир ака Йўлдошевлардан сабоқ олдим. Ҳозирда "Ўзбекнаво" гастрол-концерт бирлашмасининг Фарғона вилоят бўлимида хонанда бўлиб ишлайман.

Икки қиз, уч нафар ўғлим бор. Турмуш ўртоғим уларнинг тарбияси билан банд.

— Сизга балким бундай саволлар берилмас, лекин бизнинг бир анъанавий саволимизга ҳам жавоб бериб ўтсангиз. Мактабда сизга алифбодан сабоқ бериб, таълимнинг сеҳрли сарҳадларига етаклаган биринчи ўқитувчингизни эслайсизми?

— Албатта эслайман. Уйимизга яқин бўлгани учун мени рус мактабига беришган ва ўша мактабда Людмила Николаевна деган аёл илк бор қўлимизга қалам тутқазган. Устоз отадай улуғ эканлигини энди-энди билаяпмиз. Рус мактабида бошқа тилда сабоқ олган бўлсак-да, ўқитувчининг меҳри, ширин муомаласи ва ўзбекча оҳангда гапиришлари бизни ўзига ром этарди. Уларга бошим ерга теккунча таъзимдаман.

— Санъат тарбиялайди, дейишади. Санъаткор сифатида бу фикрни қандай изоҳлайсиз?

— Тўғри айтишади. Тарбиячи бўлгандаям руҳий тарбиячи. Инсон табиатан жисмидан кўра руҳиятини бошқаришда, уни тарбиялаб бориш ва камолга етказишда кўпроқ қийналади. Чунки ҳаётда хоҳиш кўп ҳолларда имконият билан ҳисоблашмайди ва одам руҳан зўриқади. Бундай пайтларда кўнгилга яхши куйлар, қўшиқлар малҳамдек инади. Ахир инсоннинг яралишида ҳам куйнинг иштироки бўлгани бежиз эмасдир-да. Санъатнинг бир бўлаги бўлган қўшиқчиликнинг масъулияти санъаткор бир пайтнинг ўзида бир неча киши билан, оддийроқ айтсак тингловчилар билан муносабатда бўлиши билан ҳам залворлироқ. Агар саҳнада бўлса, муносабатлар бевоситалиги билан янада муҳимлик касб этади. Муҳимлиги шундаки, ижрочи тингловчининг савияси, ҳолати ва бошқа жиҳатларини умумий тарзда ҳисобга олиши лозим бўлади. Чунки мухлис шу санъаткорнинг санъатидан баҳраманд бўлиш истагида бир оз харажат қилиб бўлса-да ташриф буюради. Ўтирган жойида ижрочига ўз талабларини қўяди. Тасодифий, катта-кичик давраларда ижро этиладиган (бундай ижроларга ҳам эҳтиёж бор) енгил-елпи нарсаларни саҳнага олиб чиқишни мухлисга нисбатан эътиборсизлик деб биламан. Сабаби, бунда санъатнинг тарбиявий таъсири сусаяди.

Умуман шарқ халқлари қўшиқ мазмунида фалсафий мушоҳадалар, панду насиҳатга оид фикрлар, тафаккурга чорловлар қанча кўп бўлса, шунча яхши қабул қилади. Масалан, худди рассомнинг портрет ишларидан кўра манзаралари кўпроқ эътибор тортганидек ёки ҳайкалтарошнинг бир ҳайкалга ўнлаб деталларни жойлаб сермазмун асарга айлантирганидек санъат ихлосмандлари томонидан ўзгача қабул қилинади. Шу жиҳатдан қараганда қайси тури бўлишидан қатъий назар, санъат — беозор тарбиячи.

— Қўшиқларингизда бу сезилиб туради. Мухлисларингиз ҳам кўпроқ табиатан оғир-босиқ, қатъий характерли ва ёши каттароқ кишилар эканлигини кўп кузатганмиз. Келинг, яна қўшиқчилик санъати хусусида сўз айтсангиз. Бир таниқли ҳофиз "санъат миллий бўлади" деган эди. Сизда балки бошқа фикр бордир?

— Бу саволга тугал жавоб бериш қийинроқ. Фикр нуқтаи назаридан сўз айтиш мумкин. Ҳа, санъат миллий бўлади. Ҳар қандай халқнинг ва миллатнинг узоқ йиллик тарихий даврларда сайқал топиб, шаклланган хос хусусиятлари, турмуш тамойиллари унинг санъатида акс этиб туради. Қайси халқнинг ёки миллатнинг санъати ривожланиб борса, ўзида инсонпарварлик ғояларини, адолат тамойилларини ва соф муҳаббат маъноларини мужассам этса миллийлик сарҳадларидан чиқиб умуминсоний кўриниш касб этади. Санъат шундай нарсаки, унинг мазмуни қанча чуқур бўлса, кишилар фикратига янгилик бир нимарса олиб кирса қадр топади. Бўлмаса тез унутилиб кетади. Масалан, бизда шаклланаётган ўзбек миллий эстрада санъатини олайлик. Ўтган қисқа давр ичида дунё саҳнасига чиқиб борди. Гарчи кам бўлса-да, бу борада ўз мактабини яратган санъаткорлар етишиб чиқди. Лекин афсуски, ўзбек миллий эстрада санъати янги йўналиш бўлгани учун ундан кўпчиликнинг бир юриб кўргиси келяпти. Бахтга қарши, кўпчилик ёшлар жўшқин мусиқали, тушунарсиз ёки мазмунсиз матнлар асосида аралаш-қуралаш куй-овозни эстрада сифатида қабул қилаяпти.

Дискотекалар ва тунги барларда ҳам куй бор, қўшиқ бор, ижро бор. У ўша ўтиш ёшидаги ўсмирларнинг ҳордиғини чиқарар балки. Ишонч билан айтишим мумкинки, бундай куй, қўшиқ, ижро тарбиялаш у ёқда турсин, уни бузади холос. Ва бу ижроларнинг санъатга даҳли йўқ.

Эътибор берганмисиз, ҳинд қўшиқларини ҳиндлардан бошқа миллатлар тушунмаса-да, бутун дунё ҳатто Европа халқлари севиб тинглайди. Сабаб — қўшиқларида ҳар қандай инсонга хос ва мос ғоя бор. Ҳинд қўшиқлари таралиши билан кўз ўнгингизда садоқат, дўстлик, покиза севги, адолат тантанаси намоён бўлади, қалбингизда илиқлик пайдо бўлади. Хулоса шуки, санъат миллий бўлади. У сайқалланиб бориб умумбашарий аҳамият касб этади.

— "Маърифат"нинг синчков мухлислари "меҳмон"нинг ўзларига бўлган муносабатини илғаб олади. Улар асосан фидойи ўқитувчи ва мураббийлар, зиёлилар эканлиги ҳаммамизга маълум...

— Албатта. "Маърифат"га суҳбат ёзиш ҳақида сўз айтганингиздаёқ игна билан қудуқ қазишдек матонату малака талаб қиладиган юмушни ихтиёрий бажараётган муаллимлар, ҳали ота-онаси гапини тушунмайдиган болалар билан тиллашаётган мураббийлар, элим деб, унинг нурли келажаги деб ёниб яшаётган зиёлилар кўз ўнгимга келди. Чунки ҳозирги синов замонида бу йўлда фақат фидойиларгина қолди. Айтсам ишонмассиз, таълим бериш худо ярлақаган кишиларнинггина қўлидан келаркан. Бир куни кичик ўғлим билан дарс тайёрлашга тўғри келди. Икки соат давомида бир масалани тушунтира олмадим. Роса хуноб бўлдим. Ҳар куни ўттиз-қирқ чоғли ўқувчилар билан ишлаш, уларга янги билимлар бериш, бошқариш, назорат қилиб туриш айтишга осон. Вақти келса, уйидаги уч-тўрт нафар фарзандини назорат қила олмаётган ота-оналар устозлардан ҳамиша миннатдор бўлавер синлар.

Устозларга забардаст ижодкорлар ўз баҳоларини бериб келган. Улардан ортиб бир нарса дейиш осонмас.

Устозлар ҳақида залворли сўз демак лозим. Чунки уларнинг амаллари залворли, улкан. Ҳатто улар ҳақида куйлаш осонмас. Чунки устозларга бағишланган қўшиқ, албатта, юқори пардаларда куйланиши керак. Улар шунга лойиқдирлар. Келажакда муаллимларга қасидалар қилиш ниятим бор.

— Ниятингиз холис экан. Ўша кунларга етказсин. Бугунги кунда нималар билан бандсиз?

— Асосан, устозларимиз томонидан маромига етказиб ижро этилган қўшиқларни замонавий услубларда оранжировка қилиб мухлисларга ҳадя этиш устида ишлаяпмиз. Билмадим, бу тўғрими ёки... Олтин меросга айланган бундай ижроларни енгил-елпи, номуносиб мусиқий жўрликда саҳнага олиб чиқиш ҳоллари ҳам кузатиляпти. Бу асарлар асл ҳолида, бир мактаб сифатида келажакка қолиши керак.

— Энди икки оғиз муштарийларга айтмоқчи тилакларингиз бўлса...

— Раҳмат. Айтадиганларим бисёр. Уларнинг аксарияти миннатдорчилигу изҳорлардан иборат. Раҳматли дадам Салимжон ака Тўхтасинов ҳам мактабда 40 йил сабоқ берганлар. Ўқитувчи оиласининг тотли нонини еб, ўсганман. Бу нон нечоғли ҳалол эканлигини биламиз. Ана шу сабр-бардошдан яралган муаллимлар жамиятимиз бахтига бор бўлсинлар.

Каримжон АБДУРАҲМОНОВ,
журналист

"Agar bolaning muayyan bir kasbga ishtiyoqi bo'lmasa, uni hech vaqt shu kasbni egallash uchun majbur qilmaslik kerak, aks holda u faqat o'zini ruhiy (ma'naviy) tomondan qiynabgina qolmasdan, balki jamiyatga ham, ota-onasiga ham etarli foyda keltirmasligi mumkin".

Sinab ko'ring

ДАРСГА ИЖОДИЙ ЁНДАШУВ — СИФАТ ГАРОВИ

Маълумки, илғор педагогик технология ўқитувчи фаолияти самарасини ошириб, ўқувчиларнинг тафаккури баравж шаклланишига ёрдам беради. Ўқувчиларнинг ахборотларни қабул қилиш даражаси, хоҳиш-истаклари турлича бўлади. Улар билимидаги мавжуд бўшлиқни шу асосда ўзлаштирилмаган билим, кўникма ва малакаларни хилма-хил тамойиллар асосида тўлдириш механизмини дарс жараёнида яратиш, ахборот таркатувчининг масъулиятини ошириб, бутун диққат-эътибор тингловчиларнинг қизиқишига қаратилмоғи лозим. Бу ҳолат ахборот тарқатувчи — ўқитувчи ва қабул қилувчи — ўқувчининг ўзаро ҳамкорлиқдаги фаолиятини мувофиқлаштириб, ўқув-тарбия ишларининг самарадорлигини оширади, уларни ижодкорликка чорлайди.

Демак, ахборот тизимини такомиллаштириш ва педагогик технологиянинг янги намуналарини таълим-тарбия жараёнига тадбиқ этишда ўқувчи ва ўқитувчи фаолиятини оқилона уюштириш; ахборот технологияси ва техник воситалардан фойдаланиш самарадорлигини оширувчи дидактик материалларни ишлаб чиқиш; ўқувчиларда муайян фазилатлар, ўзига хос сифатлар ва хусусиятларни шакллантириш мақсадида ишбилармонлик ўйинлари, мия фаолиятини фаоллаштириш ва махсус машқлардан унумли фойдаланиш, матнларда баёндан чекиниш ва муаммоли, мустақил фикрлашга ўтиш, таълим-тарбия жараёнининг фаол ноанъанавий, ижодий услублари ва шаклларини қўллаш вазифаларини амалга ошириш ўзининг ижобий самарасини беради.

Дарсларнинг ана шундай ташкил этилишида тингловчилар кичик гуруҳларга бўлиниб, дарс машғулотида иштирок этиш, бошловчи ролини ўйнаш, бир-биридан ўрнак олишга ҳамда турли нуқтаи назарларни қадрлаш имкониятига эга бўлади.

Фаолият йўналиши			
Зарурий асос яратиш			
Гуруҳ	Гуруҳ	Гуруҳ	Гуруҳ
Аниқ кўрсатма бериш ва йўналтириш			
Муҳокама			

Бунда дастлаб, фаолият йўналиши аниқланади. Муаммодан бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади. Зарур асос ҳам яратилади. Асосийси, 3-5 нафар ўқувчидан иборат гуруҳларга аниқ кўрсатмалар берилади. Ана шу вақт оралиғида уларнинг фаолияти қўллаб-қувватланади. Пировардида машғулотлар якуни таҳлил қилинади.

Мунозара услубида эса, қатнашчиларга муаммонинг "Ақлий ҳужум" масаласи топширилади ҳамда ўтказиш тартиби белгиланади. Ўқитувчи бу вақт мобайнида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ёзиб бориш учун котиб тайинлайди. У бу босқичда гуруҳ иштирокчиларининг ҳар бири ўз фикрини билдириши учун шароит яратади.

Навбатдаги босқичга ўтишдан аввал танаффус эълон қилинади. Иккинчи босқичда "Ақлий ҳужум" қатнашчилари билдирган фикр-мулоҳаза гуруҳлаштирилиб, муҳокама қилинади.

Бу услуб орқали шахс билимлари ривожлантирилади, уни ижодий, эркин мушоҳада қилишга ўргатади.

Замира ХОЛМУҲАММЕДОВА,
Каттақўрғон тижорат иқтисодиёт коллежининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари

ТАСАВВУФ ИЛМИНИНГ САРВАРИ

Anjuman

Навоий давлат педагогика институтида бўлиб ўтган "Хожагон тариқати ва Абдуҳолиқ Ғиждувонийнинг маънавият тарихидаги ўрни" мавзусидаги республика илмий-назарий Конференцияси ана шу муборак зот — тенги йўқ буюк Ориф Хожаи жаҳон таваллудининг 900 йиллигига бағишланди.

Тадбирга Ўзбекистон Республикаси Шарқшунослик институти, фалсафа ва ҳуқуқ институти, Самарқанд, Бухоро давлат университетлари, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат институтининг етакчи олимлари ташриф буюриб, ўзларининг мароқли маърузалари билан иштирок этдилар.

Анжуманда Абдуҳолиқ Ғиждувонийнинг бебаҳо маънавий мероси сарчашмаларидан баҳраманд бўлмоқлик хусусидаги баҳс-мунозара авж олди. Иштирокчилар тасаввуфнинг гўзал, мунаввар боғларида хаёлан меҳмон бўлишди. Кўнгилларда беғубор, покиза туйғулар жунбушга келгандай бўлди. Олимларнинг маърузаларини катта қизиқиш билан тинглаган талабалар ўзларини қизиқтирган бир қатор саволларга жавоб олишди. Кўтаринки руҳ, юксак савияда ташкил этилган тадбир шахс тарбияси камолоти жабҳасида хизматлари беқиёс бўлган, Марказий Осиё тараққиётида чуқур из қолдириб, буюк тарихий шахс даражасига айланган Ғиждувоний таълимотини ўрганиш борасида яна бир қадам бўлди.

Институт ректори Р.Раҳмонов ўз чиқишида таъкидлаганидек, "Мутасаввуфлар фикрича, либос ичида инсоннинг танаси жойлашганидек, жисм ичида инсоннинг асли ҳақиқати яширинган. Инсон ўзининг руҳий, яъни ҳақиқий абадий жиҳатига эътибор бериб, маънавий юксакликка интила бошлайди. Инсонда руҳ ва жисм кураши муқаррар бўлиб, инсонпарварликнинг олий намуналари шу жисм талабларини енга бориш ва руҳ талабларини кучайтириш билан қўлга киритилади... Комил инсоннинг сурат ва сийратида илоҳийлик ва инсонийлик мужассамдир, зотан илоҳийликни инсонийликдан ва инсонийликни илоҳийликдан ажратиб тасаввур қилиб бўлмайди...

Муборак сана муносабати билан ташкил этилган анжуман ана шу комил инсон таълим-тарбиясида катта аҳамият касб этувчи қутлуғ иш бўлди".

Конференция материаллари филология фанлари доктори, профессор Н.Комилов масъул муҳаррирлигида рисола шаклида чоп этилди.

Ойбуви ОЧИЛОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Gazetada bosilmasa ham

ЯНГИ ДАРСЛИК ЧОП ЭТИЛАДИ

Газетамизга ТШПҚТМОИ профессори, филология фанлари доктори Нурилла Аҳмедов, педагогика фанлари номзоди Рўзман Келдиёров, ТШПҚТМОИнинг катта ўқитувчиси Феруза Муҳамедова, Собир Раҳимов туманидаги 165-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Н.Турмуҳамедова имзоси билан "Дастур бору дарслик йўқ, дарслик бору дастурга мос эмас" сарлавҳали мақола келган эди. Унда умумтаълим мактабларининг 10-синфлари учун чоп этилган янги алифбодаги "Ўзбек адабиёти" дарслиги РТМ томонидан тузилган дастурга мос эмаслиги, амал қилиниши зарур бўлган дастурга асосан "Маликаи айёр" достони, халқ қўшиқлари, "Авесто", "Девону луғотит турк", "Қутадғу билиг", "Ҳибот ул-ҳақойиқ" каби мавзулар ўрганилиши лозимлиги, бу мавзулар эса амалдаги дарсликдан ўрин олмаганлиги ҳақида фикрлар билдирилган.

Биз бу масалага ойдинлик киритишни сўраб республика таълим Марказига мурожаат қилдик. Марказ раҳбари Гуландон Алимова имзоси билан келган жавоб хатида мазкур масала бўйича қуйидагилар маълум қилинади:

"Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 14 августдаги "Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 338-сонли қарорида ўтиш даври 2009 йилгача давом этиши белгиланган. Лекин бу жараёнда 10—11-синфлар учун ўқув режалари ва дастурлар ҳамда меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш кўзда тутилмаган.

Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига 2003/2004 ўқув йили учун дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг нашр режасини (04.12.02)01-661-сонли расмий хат билан юборган. Нашр режасига умумтаълим мактабларининг 10-синф ўқувчилари учун (муаллифлар — Б.Қосимов ва бошқалар) "Ўзбек адабиёти" дарслиги киритилди ва уни лотин ёзувидаги ўзбек алифбосида чоп этиш белгиланди.

Нашриётлар иш тартибига мувофиқ ўқувчиларни ўқув адабиётлари билан етарли даражада таъминлаш мақсадида дарсликларнинг муайян миқдорини аввалдан (ноширлар тилида "задел" тарзида) чоп этиш белгиланган. Шунга кўра F.Ғулом номли нашриёт 2002 йилнинг декабрида "Ўзбек адабиёти" дарслигини 20000 нусхада чоп этган.

Ўтиш даври 10-синф "Адабиёт" ўқув дастурининг қайта ишланган варианти эса 2002 йилнинг 27 декабрида Республика таълим Марказининг адабиёт фани илмий методик кенгашининг 4-сонли қарори билан тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикасининг умумий ўрта таълим муассасалари 2003/2004 ўқув йилига мўлжалланган ўқув режаси ХТВ ҳайъати 4/1 сонли (25.04.03 й.) қарори билан тасдиқланди. Унда адабиёт фани учун ажратилган дарс юкламасига ўзгартиш киритилди. Шу боис дарслик қўлёзмасини ўқув режага мослаштириш мақсадида муаллифларга қайтарилди.

Юқоридаги сабабларга кўра нашр этиш муддати кечиккан дарслик "Ўқитувчи" нашриёти томонидан 2003 йилнинг ноябрида чоп этилади ва жойларга етказилади.

F.Ғулом номидаги нашриёт томонидан чоп этилган 10-синф "Ўзбек адабиёти" дарслиги XV—XIX аср адабий жараёнини ўрганишда бой манба ҳисобланади. Ундан янги ўқув дастури бўйича ўрганиладиган Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Нодира, Увайсий, Огаҳий, Турди Фароғий, Маҳмур каби ёзувчи ва шоирлар ижодини ўтишда фойдаланилади.

Янги "Адабиёт" дарслиги чоп этилгунга қадар ўқув дастури асосидаги материаллар "Маърифат" газетаси саҳифаларида ёритиб борилиши кўзда тутилмоқда".

ТАҲРИРИЯТДАН:

Мазкур муаммонинг ҳал этилишини тезлаштириш ҳамда ўқитувчи ва ўқувчиларга янги дастур бўйича материалларни тезкор суръатда етказиш мақсадида газетамизнинг шу йил 15 октябрь кунги сонидан бошлаб тегишли материалларни бериб боришни режалаштирдик.

Юртимизда қад ростлаётган барча касб-ҳунар коллежлар замонавий кўриниш касб этади. Уларда замон талабига жавоб берадиган ўқув жиҳозлари ҳам мавжуд.

Наманган шаҳридаги агроиқтисодиёт ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежида ҳам бу ишлар яхши йўлга қўйилган. Коллежда шунингдек, оила маркази ҳам фаолият юритмоқда. Унда асосан уй-рўзғор ишлари, оила учун керакли барча жиҳатлар ўрганилмоқда.

Суратларда: 1. Ўқитувчи Тожихон Аҳмедова ўқувчилар билан.
2. Коллежнинг умумий кўриниши.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат

Hozirgi kunda ko'plab noyuridik oliy o'quv yurtlarida huquqshunoslar etishmaganligi sababli huquqiy fanlardan jamiyatshunos mutaxassislar dars bermoqda.

Fikr, mulohaza, taklif

НОЮРИДИК ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ:

ҳуқуқий таълимдан ким дарс бермоқда?

Ҳозирги кунгача Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тасдиқлаган бакалавр таълим йўналиши намунавий ўқув режасига асосан, "Ҳуқуқшунослик" курси ноюридик олий ўқув юртларида жами 60 соатни ташкил қилар эди. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги 2001 йил 4 январдаги фармойишига асосан, барча таълим турлари каби олий таълимнинг бакалавр ва магистр босқичларида "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" янги ўқув курси киритилди. Бу курс учун бакалавриат талабаларига 40 соат, магистратурага 18 соат ҳажмида вақт ажратилди.

Аммо Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2001 йил 21 августдаги 200 рақамли буйруғига кўра, "Олий таълимнинг бакалавриат босқичи учун гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блоки режаси" илова қилинди, унга кўра "Ҳуқуқшунослик. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" ўқув курслари учун жами 76 соат ажратилган бўлиб, шундан 36 соати ҳуқуқшунозликка, 40 соати Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишга мўлжалланган, яъни "Ҳуқуқшунослик" ўқув курсига ажратилган соат ҳисобидан деярли 30 соати Конституцияни ўрганишга ўтиб кетди. Шу пайтгача "Ҳуқуқшунослик" курси учун ҳатто 60 соат ҳам етмайди, деб турилган бир пайтда соатлар ҳажмининг бу даражада қисқариб кетишини тушуниш қийин. Ўйлаймизки, "Ҳуқуқшунослик" ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" ўқув курслари ажратилган ҳолда ўтилиши лозим. Шу билан бирга "Ҳуқуқшунослик" бакалавриатнинг I босқичида ўтилса, "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" курсини II ёки IV босқич дарс жадвалига киритилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Маълумки, ноюридик олий ўқув юртларида "Ҳуқуқшунослик" курсида ҳуқуқнинг асосий тармоқлари ҳақида маълумотлар берилади. Агарда унга 30 соат ажратадиган бўлсак, унинг 15 соати маъруза, 15 соати семинар машғулотлари учун кетса, мустақил иш учун умуман соат қолмайди. Шунингдек, 15 соат ичида бор-йўғи тўртта ёки бешта мавзуни ёритиш мумкин бўлади. Бизнингча, ажратилган соат ҳажмини ва намунавий дастурларни қайта кўриб чиқиш лозим. Шу билан бирга олий ўқув юртлари, мутахассисликларга кўра бир-биридан фарқ қилади. Шунинг учун давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги умумий назариядан ташқари келгусида уларга керак бўладиган маълум мутахассисликларнинг ҳуқуқий асослари бўйича ҳам тушунчалар берилиши керак.

Албатта, ҳуқуқий таълим ва тарбияни махсус юридик фанларни ўқитишдангина иборат, деб ўйлаш нотўғри. Аксинча, ҳуқуқий-тарбиявий ишларнинг барча жиҳатларини қамраб олишимиз лозим. Шунга эътибор бериш керакки, ҳуқуқий фанлар қанчалик аҳамиятга эга бўлмасин, ноюридик олий ўқув юртлари учун ихтисослик фани бўла олмайди. Шу сабабли бундай ўқув юртларида ҳуқуқий фанлар ёрдамчи ва умумкасбий аҳамиятга эга эканлигини ёддан чиқармаслик керак.

Ноюридик олий ўқув юртларида ҳуқуқий таълимни амалга оширишда мавжуд муаммолардан яна бири ҳуқуқшунос-педагогларнинг етишмаслигидир. Сабаби "ҳуқуқшунос-педагог" факультетлари эндигина очилган бўлиб, мутахассислар асосан умумтаълим ва ўрта махсус таълим мактаблари учун тайёрланади. Институт ва университетда дарс бериш учун улар камида магистр даражасига эга бўлишлари лозим. Юридик магистр даражасини олган мутахассислар ҳаммаси ҳам илмий-педагогик фаолият юритишни хоҳлайвермайди. Улар учун юридик амалиёт афзалроқ. Шундай экан, ноюридик олий ўқув юртларида ким дарс бериши керак?

Тўғри, "Ҳуқуқшунос-педагог" мутахассислиги бўйича ҳам магистратура босқичи мавжуд. Аммо унга жуда кам, айтайлик, 5-10 та ўрин ажратилади. Буни олий ўқув юртлари сони билан солиштирганда, эҳтиёж билан мослик кўзга ташланмайди.

Юридик олий ўқув юртларида илмий-педагогик ходимлар ҳуқуқнинг маълум бир соҳаси бўйича, яъни ўз ихтисослиги бўйича фаолият юритади. Ноюридик олий ўқув юртларида эса улар ҳуқуқнинг кўплаб соҳаларини ўз ичига олган ҳуқуқий курслар бўйича дарс беришади. Шунинг учун улар мунтазам равишда ўз малакаларини ошириб боришлари лозим. Мамлакатимиз таълим тизимида ҳуқуқий таълимни такомиллаштириш, ёшларнинг ҳуқуқий билимларини оширишда *биринчидан*, ноюридик олий ўқув юртларида ҳуқуқий фанларни ўқитишда ажратилган соат ҳажмларини қайта кўриб чиқиш билан бир қаторда "Ҳуқуқшунослик" ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" ўқув курслари алоҳида ўтилишини ўйлаб кўриш лозим. *Иккинчидан*, "Инсон ҳуқуқлари" махсус курси барча олий ўқув юртларида ўтилар эди. Ҳозирги кунда у бор-йўғи ТДПУда ўқитилади, холос. Ушбу курсни қайта тиклаб, уни ҳеч бўлмаганда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" ўқув курси билан бирлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса шуки, республика ноюридик олий ўқув юртларида ҳуқуқшуносликдан дарс берувчи ўқитувчиларнинг малакасини ошириш бўлимларини ташкил этиш лозим. Ҳозирги кунда кўплаб ноюридик олий ўқув юртларида ҳуқуқшунослар етишмаганлиги сабабли ҳуқуқий фанлардан жамиятшунос мутахассислар дарс бермоқда. Шуларни эътиборга олган ҳолда, уларнинг малакасини ошириш мақсадида бир йиллик сиртқи ўқиш факультетларини ташкил этиб, "ҳуқуқшунос-педагог" мутахассислиги бўйича йўналиш ва билим берилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Раъно ТУРДИБОЕВА,
ТошДАУ доценти,
юридик фанлари номзоди

«УЧИНЧИ КЎЗ» НИГОҲИДА ЎЗБЕКИСТОН

Бугунги кунни тасвирий санъат асарларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Суратлар орқали дунёни реал кўриш, кузатиш мумкин. Шу сабабли ҳозирда жаҳон миқёсида фото санъати олдига кўплаб талаб ва таклифлар қўйилмоқда.

Тошкент фотосуратлар уйида республикамиз бўйлаб ўтказилаётган "Ўзбекистонга муҳаббат" номли фототанловни ташкилий жиҳатдан пухта уюштиришга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ушбу фототанлов "Hewleet—Packard" компанияси, Тошкент шаҳар ҳокимияти, Халқаро бизнес маркази, Тошкент фотосуратлар уйи, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлиги ва ҳомийлигида ўтказилмоқда. Танловда фоторассомлар она-Ватанга муҳаббат руҳида, унинг анъаналари, қадриятлари, бугунги куни ва ўтмиши акс эттирилган фотосуратлари билан қатнашиши мумкин. Энг асосийси, бу танлов республикамиздаги барча ҳаваскор ва профессионал суратчилар ўртасида рақобат тарзида бўлиб ўтади.

Tanlov

Танлов "Портрет", "Манзара ва меъморчилик", "Лавҳа", "Болаларга бағишланган энг яхши фотосурат", "Тобинлар ридаэтибор бўлган энг яхши фотосурат", "Профессионал фоторассомлар томонидан тайёрланган энг яхши фотосурат", "Ҳаваскор фоторассомлар томонидан тайёрланган энг яхши фотосурат", "Энг яхши рақамли фотосурат элементлари" номинациялари бўйича ўтказилади.

Фототанлов 2003 йилнинг 19 сентябридан бошланиб, 10 ноябргача давом этади. Голиб чиққан фоторассомларнинг асарлари шу йилнинг 19 ноябридан 29 ноябригача Ўзбекистон Бадиий академиясининг кўргазмалар залида намойиш этилади. Голиб деб топилганларга ҳомийлар ва ҳамкорлар томонидан энг катта мукофот "Digital art"нинг энг яхши рақамли фотоаппарати топширилади.

Ўтказилган матбуот конференциясида ҳайъат аъзолари, яъни "Hewleet-Packart" компанияси бошқарувчиси Вадим Тихонычев, Ўзбекистон Республикаси Бадиий академияси президенти Турсунали Қўзиев, Тошкент фотосуратлар уйи директори Шаҳноза Хўжаева, "URA" реклама агентлиги директори Зарина Қодировалар оммавий ахборот воситалари ходимларини қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Дилмурод СОДИҚОВ,
ЎзМУ журналистика факультети
2-курс талабаси

Bugungi yoshlar

БИР КЕЧА-КУНДУЗ

Талабалар ҳаёти ҳам ўзига хос, улар учун биринчи галдаги вазифа ўқиб-ўрганиш. Ҳаракат қилаётган, интилаётган юксак мақсадли ёшлар тенгқурлари орасида доим ажралиб туради. Уларнинг кўпчилиги номдор стипендия совриндорлари бўлишган. Шундай талабалардан бири "Академик М.Қориев" ҳамда Улуғбек номидаги давлат стипендиялари совриндори, Россия Халқлар дўстлиги университети ва Тошкент давлат юридик институти фахрий талабаси, Россия "International" клуби ҳамда "Бунёдкор" ёшлар телеклуби аъзоси, Тошкент давлат иқтисодиёт университети халқаро иқтисодий муносабатлар йўналиши магистранти Жасур Абдусаматовдир. Кўрдингизки, унинг исм-фамилияси теграсида бир неча нуфузли манзиллар кўрсатилмоқда. Бу эса шунчаки гап эмас. Жасур буларнинг барчасига ўзининг фаоллиги, билимдонлиги, жамоат ишларига ҳам эътибор билан қараши туфайли эришаётганлиги рост. Бир кеча-кундузни қаҳрамонимиз қандай ташкил қилади? Лавҳамиз шу хусусда.

ЭРТАЛАБ

Соат белгиланган вақтда ўз "нағма"сини бошлади. Хона ҳам ёриша бошлаганди. Жасурбек уйқуга тўймаган кўзларини уқалаганича ўрнидан турди. Кунлик одатига кўра, сайр қилиш учун боққа чиқди. Она табиат қўйнида сайр қилиш унинг кундалик одати. Боғдаги дов-дарахтлар сокин шитирлайди. Барглар эса ерга туша бошлаган. Жасур баргларнинг ҳам тирик жон эканлигини кўнглидан ўтказди. Хаёллар оғушида дастурхон атрофига келиб ўтирди. Унинг учун энг ширин лаҳза оила даврасида бўлиш, нонушта қилиш, кечқурунлари эса бундай имконият ҳар доим ҳам бўлавермайди.

Дарс соатлари бошлангунича кутубхонага боришга улгуриши лозим, ҳар ҳафта жума кунлари устози, профессор Н.Маҳмудов билан биргаликда илмий иши юзасидан ёдидан чиқмайди. Ушанда ёш олимлар, магистр ва талабалар орасида қилган маърузаси иккинчи ўринга лойиқ топилганида, қалби қанчалар фахр туйғусига тўлган эди.

Соат ҳам 11 га яқинлашибди. Ахир бугун учинчи босқич талабаларига маъруза ўқиши керак-ку! Устозидан бир ҳафталик топшириқ ва йўл-йўриқларни олди-да, тайёрлаган маърузасига яна қайта кўз югуртириб, университетга шошилди.

ДАРСДА

Танаффусни дўстлари билан суҳбатлашиб ўтказди, гўё барча чарчоқлари унут бўлди.

Жасурбек 80 минутлик дарсни олтинга менгзайди. Чунки икки қўнғироқ орасида ўқитувчилар талабаларга ўзлари изланиб топганларини, тажрибаларини тушунтиради. У бутун диққатини ўқитувчи ёзаётган формулаларга қаратди. Ахир изланишлар олиб боради. Бугун ҳам "Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишни такомиллаштириш йўллари" мавзусида фикр алмашишлари керак. Устози кўрсатмасига асосан, интернет тармоғи орқали тўплаган маълумотларини ҳам муҳокама қилишди. Уларнинг суҳбати илмий мақолалар, иқтисодга оид китоблар, ноёб тадқиқотлар билан қоришиб кетди. Шу мавзуда диплом иши қилишни 2-босқич талабаси эканлигидаёқ кўнглига туккан, бу вазифани муваффақиятли амалга оширганди ҳам. Энди эса ушбу мавзуда илмий иш қилиб, диссертация ёқламоқчи. Бу даражага етгунича қанча босқичларни босиб ўтди. Айниқса, Москвада ўтказилган конференция

УНИВЕРСИТЕТДА

Университет ҳовлиси талабалар билан гавжум. Қўнғироқ бўлишига ўн дақиқалар бор. Китоб олиш учун кутубхонага кирди. Эндигина, китобга буюртма берганди ҳамки, қўнғироқ чалинди. Кафедрага яқинлашаркан, ўзининг талабалик даврларини хотирлади, дарс давомида талабалар онгига бутун бир катта боб ҳақида тушунча бериш осон эканми? Жасурбекка талабаларнинг ҳайрат билан тинглаб ўтиришлари янада илҳом бағишларди. Бугун ҳам дарсини ўзи кутганидек якунлади. Фақат янги ўқув йили бошлангани сабабли уч-тўрт нафар талабанинг қатнашмаганлиги кўнглини бироз хира қилди.

математикадан аллақачон кашф этилган қанчалаб формула ва жадваллар мавжуд. Талабалар эса уларни ўзлаштирсалар кифоя, бироқ, шу вазифани ҳам уддалай олмасалар, келажак авлод қаршисида мулзам бўлиб қолишлари аниқ. Маърузанинг зарур бўлган нуқталарини қоғозга туширди-да, танаффусда тушунишга қийналган формулалар ҳақида қайта маълумот олди. Юзага келган фикрларини баён қилиб, қанчалик тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилди. Иккинчи дарсни тингларкан, турли саволлар миясида чарх ура бошлади. То ўқитувчидан тўлиқ жавоб олгунича баҳслашишдан тўхтамади. Учинчи дарс якунлангач, университет "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати раиси Файзулло Қутлимуродовнинг топшириғига асосан, ижтимоий ҳаракат аъзоларини йиғиб, келгуси ҳафтанинг чоршанбасига Тошкент давлат юридик институти билан семинар-тренинг ташкил қилинишини маълум қилиб, тайёргарлик режалари, қатнашувчилар рўйхати билан таништирди.

КЕЧҚУРУН

Уйига келганида отаси ҳали ишдан келмаганди. Шифокорлик ҳам осонмас. Қачон чақирсалар, "лаббай" деб жавоб қайтаришинг шарт. Жасурбек тамадди қилиб олгач, телевизор қаршисига ўтирди. Қани, оламда нима гаплар? У "Давр"ни кўришга одатланган. Халқаро сиёсий воқеалар, юртимиз янгиликлари, ҳаттоки эртанги обҳаво маълумоти ҳам "Давр"га хос.

Қаҳрамонимиз дарс машғулотларига бир сидра тайёргарлик кўрди. Кунлар елдирим каби тезкор. Бир лаҳзада ҳафталар тугайди. Аммо киши ҳар бир кунда ўзи режалаштирган ишларини амалга ошириб борса, умри ҳам мазмунли бўлса керак, деб фикрлайди Жасурбек Абдусаматов.

Бу фикрда эса ҳақиқат уруғлари бордек.

Азиз НОРҚУЛОВ

«Bor kuching bilan qalbingni asra!»

O'zing hamma so'zni aytib bo'lgansan,
Bersang, o'ylari ko'p so'z ber, Xudoyim!
Men shoir bo'ldimmi?

НАВҚИРОНЛИК

Аслида ҳеч бир нашрнинг обрўйини унинг ёши белгиламайди. Шундай бўлса-да, ҳар бир газета ёки журнал ташкил бўлганига фалон йил тўлибди деса, унинг ашаддий ўқувчиси худди бир яқин одамининг туғилган кунини эшитгандай ширин энтикади, ҳаяжонланади.

Бугун биз ҳам «Ёшлик»нинг асл мухлисларига, садоқатли муаллифларига унинг 20 ёшга тўлганини бирров эслатиб қўймоқчимиз.

Ҳа, азизлар, қадрдон журналимиз бугун нак 20 ёшга кирди! Навқирон ёш!

Ижима йил ичида журнал ўзинигма юзлаб муаллифларига эга бўлди. Балки минглаб янги номлари кашф этгандир. Бу рақамнинг катталиги унчалик муҳим эмас. Адабиёт сон-саноқни, китобларнинг семизлигини эмас, асл истеъдодни, садоқатни, чидам-сабот, илмни хуш кўради.

Шу маънода «Ёшлик» журнали чин адабиётга қадрдон бўлиб яшади, ҳар қандай қийин иқтисодий шарт-шароитларда ҳам унга бепарволик қилмади. Фақат истеъдод билан битилган шеър, достон, ҳикоя, қисса, романгина адабиётнинг жон томири эканини ҳис этиб яшади.

Журналга даставвал элимизнинг суюкли шоири Эркин Воҳидов раҳбарлик қилди. Ўша даврда шу нашр орқали Мурод Муҳаммад Дўст, Тоғай Мурод, Хайриддин Султонов, Гаффор Ҳотамов, Эркин Аъзам, Аҳмад Аъзам, Хуршид Дўстмуҳаммад, Нормурод Норқобилов, Набижон Боқий, Нурулло Отаҳонов сингари ёзувчиларимиз, Хуршид Даврон, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Азим Суюн, Муҳаммад Раҳмон, Йўлдош Эшбек, Сулаймон Раҳмон, Муҳаммад Юсуф, Сирожиддин Сайид, Мирзо Кенжабек, Тилак Жўра ва бошқа қатор ўтнафас шоирларимиз довруғ таратишди.

Замонавий ўзбек насри мулкига айланган «Галатепага қайтиш», «От кишнаган оқшом», «Саодат соҳили», «Ёзнинг ёлғиз ёдгори», «Кудуқ тепасидаги ой» каби асарлар дунё юзини кўрди.

Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон халқнинг руҳиятида мустаҳкамланган, интилиш, ҳаракатлар қучайган даврда бош муҳаррир бўлди. Журнал адади 400 минг нусхагача кўтарилди.

Ғарчи асарларда публицистик руҳ қучайган бўлса-да, халқнинг тил, эътиқод, давлат суверенитети тўғрисидаги дарди, фикрнинг ошкора минбарига айланди.

Мустақиллигимиз дастлабки йилларида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик, сўнгра истеъдодли адиб Гаффор Ҳотамовлар муҳаррирлик қилишди. Бу йилларда ҳам журнал мундарижаси бойиди, мазмунан янги рукнлар пайдо бўлди.

Мустақиллик барча нашрлар қатори «Ёшлик» учун ҳам ҳар жиҳатдан қонуний ҳуқуқлар берди. Ижтисодий жиҳатдан ҳам эркинликка эришилди. Ғоявий тазйиқ, кўрсатмалардан холи бўлди. Бугун журнал мустақил Ўзбекистон давлати қонунлари мустаҳкамлаб берган барча ҳуқуқлардан тўла фойдаланиб яшамоқда. У адабиётимизнинг янги вакиллари майдонга чиқиши учун катта-кон бир дарбоза вазифасини бажарди ва бажаряпти.

Навқирон носирларимиз Шойим Бўтаев, Назар Эшонқул, Тўхтамурод Рустамов, Абдуқаюм Йўлдошев, Қўчқор Норқобил, Шодиқул Ҳамроев, Уйғун Рўзиев, Исажон Султонов, Лукмон Бўрихон, Зулфия Қуролбой қизини, Баҳром Рўзимуҳаммад, Чоршаъм, Абдували Қутбиддин, Эшқобил Шукур, Аъзам Ўктам, Равшан Файз, Зулфия Мўминова, Абдул Жалил, Азиз Саид, Ҳалима Аҳмедова, Зебо Мирзаева, Фахриёр, қолаверса, Гулжамол Асқарова, Хосият Рустамова каби шоиру шоираларимиз ижодини халққа таништиришда асосий минбарлардан бири бўлди.

Адабиёт боғи нақадар гўзал бўстон бўлгани билан у ўзига мудом анвойи гуллар излайди. Топади ва... йўқотади ҳам. Бугун биз мазкур журналнинг бир вақтлар шеърият бўлимини бошқариб ўз ҳиссаларини қўшган Шавкат Раҳмон ва Равшан Файз, бу бўстонда мушканбар бўйларини тарата туриб тўсатдан сўлган гуллар: Муҳаммад Юсуф, Тилак Жўра, Аъзам Ўктам, Чори Аваз, Ҳамза Имонбердиев сингари муаллифларимиз руҳлари қошида бош эгамиз, жойлари жаннатдан бўлсин деймиз.

«Ёшлик» бундан буён ҳам ёшлар ижодининг камол топишига, алалоқибат адабиёт равнақига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаверади. У муҳтарам муаллимларимизнинг маънавий-маърифий ҳамроҳи эканидан ҳам хабаримиз бор. Ўйлаймизки, адабиётсевар муаллимларимиз ҳам ўз суюкли ҳамроҳларини унутмай, «Ёшлик» журналининг обунасига жиддий қарайдилар. Зеро, «Ёшлик» журнали кириб борган хонадонга, ўқув-ишн жойларига навқиронлик, ғўзаллик кириб боради.

Собир ЎНАР

«Yoshlik» jurnali mehmonimiz

МУМТОЗ БАДИИЯТ САНЪАТЛАРИ

ТАФРЕЪ САНЪАТИ

Мен ярим ҳазил, ярим чин тарзда тафреъ санъатини буюк шоир шогирдига ўргатмайди, дегим келади. Негаки, шеърга таъсирчанлик бағишловчи ўнтача энг самарали бадиий усул орасида тафреъ алоҳида ажралиб туради. Тўғри, энг кўп қўлланиладиган умрбоқий бадиий санъат ташбиҳ (ўхшатиш) ва унинг иккинчи босқичи, сеҳрлироғи истиорадир. Ийҳом ҳам сўзнинг кўпмаънолилиги туфайли Навоий томонидан «хосса маъно» деб улуғланган санъатдир. Талмеҳда ҳам таъсирчанлик имкониятлари катта. Чунончи, Ҳалима Худойбердиеванинг энг яхши шеърларидан бири «Бегим» бўлса, ундаги барча фазилатлар фақат ва фақат талмеҳнинг хилма-хил кўринишлари туфайлигинадир.

Тафреъ санъатини эса, камдан-кам шоирлар қўллайдилар. Нега бунақа? Менимча, кўпчилик ижодкорлар бундай санъат борлигини яхши билмайдилар. Шунинг учун шундай таъсирчанлик омилини шоирлар ўз ижодларида оз қўллайдилар. Тафреъ санъати хусусида назарий мулоҳаза юритмасдан олдин шу санъат асосида яратилган бир шеърни намойишга қўймоқчиман.

«Куз манзаралари» номли Абдулла Ориповнинг шеъри асосан тафреъ санъати туфайли бунёд топгандир. Уч тўртлиқдан иборат ушбу яхши шеърнинг ҳар бир банди бир тафреъ усули хизмати туфайли кучли таъсирчанлик фазилати билан сайқаллангандир:

Яна далаларга
бошлайди ҳавас,
Боғларда хазонлар
ёнади лов-лов.

Дўстларим, бу кузнинг
барглари эмас,
Менинг юрагимдан
тўкилган олов.

Шохларда мезонлар
ялтирар хира,
Пойида шивирлар
менинг куйларим.
Дўстларим, булар ҳам,
мезонмас сира,
Бу менинг чувалган,
сўнгсиз ўйларим.

Қуёш ҳам фалакда
бамисли рўё,
У энди ёндирмас,
ялтирар фақат.
Дўстлар, у ҳам энди
қуёшмас асло,
У олис ёшликда қолган
муҳаббат.

Абдулла Орипов — сўз сеҳргари. «Куз манзаралари»да тафреъдан бошқа таъсирчанлик омилларидан ташхисни айтиш мумкин. Ташхис — шахслантириш бўлиб, шоир тасвирда одамдан бошқа нарса-ҳодисаларни кишига хос хусусиятлар билан гавдалантиради, «Ҳаваснинг далаларга бошлашида» шу ҳолни кузатамиз. Иккинчи мисрада япроқларнинг сариғиш-қизғиш ҳолатини шоир «ёнмоқда» деган сўз билан муболағали ифодалаган...

Энди тафреъ моҳияти ҳақида сўз очайлик. Шеърдаги тафреъ нима у? Биринчи тўртлиқда шоир қизғиш барглани инкор этди, барглар эмас деб, уларнинг юрагидан тўкилган олов эканлигини даъво қилди; иккинчи тўртлиқда мезонлар эмас, деб кўриниб турган мезонларни рад этиб, «бу менинг чувалган сўнгсиз ўйларим!» деб ўз гапини ўтказмоқчи бўлди. Учинчи тўртлиқда ҳам ижодкор қуёшни инкор этди: «у ҳам энди қуёшмас асло» ва ўрнига: «У олис ёшликда қолган муҳаббат» тида кузата оламиз. Шоир Турди Фароғий Саъдий Шерозийнинг қуйидаги матлаъ билан бошланган ғазалига бежиз муҳаммас боғламаган:

Нест он лолаҳо, ки дар бодяҳо жилвагаранд,
Қуштагонанд, ки зи хок бароварда саранд.

(Мазмуни:

Даштларда жилвалана-ётган лолалар эмаслар, улар ердан қонталаш бошларини чиқариб турган сўйилган кишилардирлар.)

Форс шоири бу байтда даҳшатли манзарани тафреъ санъати туфайли ярата олган.

Алишер Навоий ижодида тафреъ санъати билан зийнатланган байтлар жуда кўп бўлиб, биз қуйида шулардан айримларини тизиб келтирамиз:

Лолазор эрмаски, оҳимдин жаҳонга тушти ўт,
Йўқ шафақким, бир қироқдин осмонга тушти ўт.

Қон эмаским, ёпти гулгун ҳулла жаннат хозини
Ишқ мақтулин шаҳид айларда урён айлагач.

Алишер Навоий тафреъ санъатини қўллашда ижодий мўъжиза кўрсатади, десак муболаға бўлмаса керак. Чунки у анъанавий тоз адабиётимизда тафреъ санъати шеърнинг бирор байтида учраб қоларди, холос. Биз юқорида, Абдулла Орипов ижодидан тафреъ санъатининг бутун бир шеър бўйлаб амал қилгани ҳодисасининг гувоҳи бўлдик.

Абдулла Ориповнинг тафреъ қўллаган яна бир байтини айтиш жиз кўринди. Ижодкоримиз «Ўзбекистон» шеърида талмеҳ санъати билан қоришиқ ҳолда тафреъ санъатини қўллагандир.

Дўстлар, кўкда
юлдузлар эмас,
У — Улуғбек кўзидаги
ёш!

Зукко олимлик ва шоирлик зеҳни билан бу санъат моҳиятига ёндашсак, бу усулни ташбеҳа ифодалаш мумкиндай туюлади. Аммо бундай эмас. Ташбеҳда тафреъдагидай таъсирчанликни юзага чиқариб бўлмайди. Бунга ишониш учун келтирилган мисолларимиздан истаганингизни олиб ўхшатишга айлантириб кўринг.

Қўшиқни эслайлик-да, аввал ташбеҳда, сўнг тафреъда ёзиб кўрайлик:

Ташбеҳ:

Унинг сочи шаршарадай...

Тафреъ:

Соч эмас у, шаршара у, шаршара...

Таъбир жоиз бўлса: тафреъ санъатини энг истеъдодли шоирлар қўллайди, дейиш мумкин. Машҳур озарбойжон шоири Муҳаммад Фузулий «Лайли ва Мажнун» достонида тафреънинг жуда гўзал намуналарини яратгандир:

«Лайло дема, шамъи мажлисафрўз,
Мажнун дема, оташи жигарсўз.
Лайло дема, жаннат ичра бир ҳур,
Мажнун дема, зулмат ичра бир нур.
Лайло дема, авжи ҳусна бир моҳ,
Мажнун дема, мулки ишқа бир шоҳ.
Лайло дема, бир ягонаи даҳр,
Мажнун дема, бир фасонаи шаҳр...»

Кузатилган мисоллар шундан далолат берадики, тафреъ санъати назмнинг кўп навларида қўлланилиши мумкин бўлган таъсирчанлик яратувчи бадиий усулдир. Буни билиш китобхонга ҳам, шоирга ҳам, олимга ҳам фойдадан холи эмасдир. Чунки бадиий санъатларни билган китобхоннинг шеърларидан оладиган бадиий лаззати икки баравар кучли бўлади, шоирларнинг эса маҳоратлари ошади.

Ваҳоб РАҲМОНОВ,
филология фанлари номзоди, доцент

КУНДАЛИК ДАФТАРДАН

Анна Ахматова муҳаббатни «йилнинг... бешинчи фасли», дея атайди. Белинский: «Муҳаббат — табиати яқин бўлган икки зотнинг бир-бирларига қовушиб, чексиз завқлар топмоғидир», дейди.

В.Розанов айтганидай, ёзувчилик сири — кўнгилдаги мангу ва ихтиёрсиз мусиқадан иборат. Агарда кўнгилда мусиқа янграмас экан, киши фақат «ўзидан ёзувчи ясайди». Лекин у ёзувчи бўлмайди...

Истеъдодлар бир-бирига соя солиб қўймаслик учун ёлғизликда улғаядилар, довруг қоладилар.

Қўйлар пода-пода юради, шер ёлғиз яшайди.

Рабиндранат Тагор: «Ҳақиқатнинг ўзидек ёзилган нарса адабиёт эмас!»

Аёлнинг қудрати — эркакнинг бўшлигида.

Дунё... ҳаёт гўзал эмас... гўзал бўлганида эди, адабиёт бўлмас эди.

Сулаймоннинг «Ҳикматлар»ида шундай дейилади: «Бор кучинг билан қалбингни асра!»

Бернард Шоу: «Ҳеч нарсага ишонмаган одам ҳамма нарсадан қўрқади».

Ундан почта поездининг ҳиди келди.

Аҳду паймонларим қошу киприкларим орасига битилган.

Оёғи майда суйганини кияди,
Оёғи катта топганини кияди.

Ёмон гап ракетадан олдин юради, яхши гап тошбақадан кейин юради.

Асалдан баҳор ҳиди келди.

У оловга термулиб ўтиришни яхши кўради.

«Ҳайвонот оламида»: Илонлар муҳаббати. Қайлиги учун олишади. Соф, ҳалол, мардларча! Мағлуб бўлгани ғолибга қойил бўлиб кетади, муҳаббатини ташлаб кетади. Лекин чақмайди. Бўлмаса бир-бирига чирмашиб, олишади. Бир узиб олса бўлди! Инсон-чи? Инсонниг тилида заҳар йўқ, хайрият. Заҳарни сотиб олади! Пичоқ, милтиқ...

Эрталаб. Содиқнинг уйи. Ўғлининг қўли чиққан Бўри кал:

— Кеча тонг отмади. Ҳали тонг отгани йўқ.

Демоқчи: у вой-войлаб чиқди. Уйқу бетини кўрмади. Тонг отганини билмади. Ҳалиям кечадай, тонг билан кун баравар бўлди!

Умр йўли — борса келмас йўл.

Саратон — ошиқ юрагидай ёнди.

Меҳр-оқибат она сути, қуёш тафти билан киради.

Швейцариялик адиба Эрик Буркарт: «Бизнинг она тилимиз — сукут. Айнан сукутдан сўз туғилади».

Қадимги юнонлар: «агарда халқнинг қандай яшаётганини билгинг келса, икки жойга — қабристон ва бозорга боринг».

У тоқишлоқдан шаҳар келди... У ўзи билан тоғ табиати... маҳзунлиги... сукунатини олиб келди. Шу боис эл бўлмади...

Тоғай МУРОД

МЕН ШОИР БЎЛДИММИ?..

...

Бари бир, Вужудинг билгани — ғирром,
Кўнгилга солганинг чиндир, Худойим.
Бошқа дунёларнинг оташи ҳаром,
Мени бу дунёда ёндир Худойим.

Ёнмоқ истаяпман оловларингда,
Раббимо! Кўксимга чўғ отиб юбор.
Тобланиб олайин синовларингда,
Уйғонгим келяпти, уйғотиб юбор.

КЎЗИНГИЗНИ БЕРИБ ТУРИНГ

Ёлғизгинам, фариштага тенгликкинам,
Жон риштасин жонингизга боғлаб олай.
Иккимизнинг дардимиз бир,
мунгликкинам,
Кўзингизни бериб туринг, йиғлаб олай.

Мен бошимни урмаган бир тош
қолмади,
Ростин айтсам, юрагимда дош қолмади.
Қуриб қолган кипригимда ёш қолмади,
Кўзингизни бериб туринг, йиғлаб олай.

Мен шабнамман, ғуборларга
қўнолмайман,
Ё гул бўлиб тош юракда унолмайман.
Кўнолмайман, бу дардларга
қўнолмайман,
Кўзингизни бериб туринг, йиғлаб олай.

Дунё кузғун, корларидан зорим келди,
Тоғ қалбимга нафрат деган сорим
келди.
Ўзим бўлиб йиғлолмайман, орим келди,
Келинг, Сизнинг кўзингизда
йиғлаб олай,
Жон риштасин жонингизга боғлаб олай...

* * *

Руҳим чинқиради, мендан тонади,
Уйғониб кетади яна орларим.
Бўғзимни куйдириб сўзлар ёнади,
Қачон туғилади менинг шеърларим?

Минг-минг йилдан бери турибди яшнаб,
Ишонса бўлади илдизларимга.
Сўниб бораяпти ўзимга ўхшаб,
Ота, нима бўлди юлдузларимга?!

Лаҳзалар тўқилиб бормоқда баргдай,
Бир куни қақшайман уволларидан.
Қўрқиб кетаяпман, ҳали туғилмай,
Боламнинг эртанги саволларидан.

Юрагим минг битта жойидан синди,
Қачон бошланади руҳимнинг тўйи?
Фақат бир таскин бор, ажабмас энди
Мени одам қилса эртанинг ўйи...

МЕН ШОИР БЎЛДИММИ?

Мен шоир бўлдимми, шоирим — Тангрим?!

Ўзимнинг устимдан кулгим келади.
Гоҳида гапимга қовушмай гапим,
Битта сўз дардида ўлгим келади.
Мен шоир бўлдимми?

Тилимни булбулга ўптирганинг рост,
Кўксимда дулдуллар чоптирганинг рост.
Буни ким билади ўзимдан ўзга,
Қани менда журъат? Қани эҳтирос?
Мен шоир бўлдимми?

Мисралар олифта, байтларим қуруқ,
Ҳозирча кўксим бўш, юрагим дудуқ.
Мен ўзим ёнмасам, эл қандай ёнсин,
Сўзимда олов йўқ, сўзимда ўт йўқ.
Мен шоир бўлдимми?

Менга чўғлари кўп кўз бер, Худойим,
Куннинг суқлари кўп юз бер, Худойим!
Ўзинг ҳамма сўзни айтиб бўлгансан,
Берсанг, ўйлари кўп сўз бер, Худойим!
Мен шоир бўлдимми?

МЕНСИЗЛИК

Юлдузлари ичикиб қолди,
Маҳзун энди ойсиз осмоним.
Сенсизликка қўникиб бўлдим,
Қандай экан менсизлик, Жоним?

Ана, ўзим кўзингдан ўтди,
Кўй, яширма титроқларингни.
Хато қилдинг, ўзингдан ўтди,
Тишлаяпсан бармоқларингни.

Энди нурга бегона юзинг,
Қуёшингнинг ранглари қани?
Сиғмаяпсан ўзингга ўзинг,
Ҳаётингнинг тонглари қани?

Кечаларинг ўзингдай ғариб,
Армонларинг осмондан катта.
Юрагингга термилиб туриб,
Йиғлаяпсан биринчи марта.

Ухлаб қолган кунларинг ҳақи,
Менинг ўрним бошқа—бўлакман.
Йиғлаб қолган тунларинг ҳақи,
Мен бари бир сенга керакман!

Беҳзод ФАЗЛИДДИНОВ,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети 3-курс толиби

Биринчи учрашув

ТАҚДИМ

«Гадосидан шоҳигача шоир» деган сифати бор бу юртда кунда бўлмасаям кунора бир шеър ишқибози эшигимизни тақиллатади. Ишимиз камроқ бўлса-ку ўқитиб, эшитамиз. Иш қайнаган пайтда эшикдан келган шоир тугул, ўзимиз ўзимизга малол келамиз. Тайёр баҳоналар билан кузатишга ё 9-қаватдаги Икромнимни, 3-қаватдаги Шуҳратжоннимни балогардон қиламиз. Беҳзод ҳам ишли кунлардан бирида келди.

— Биз йўлтларнинг шеврларини беролмаймиз. Шоира қизлар жуда кўп, — дея одатдаги жавоб билан қайтармоқчи эдим, бехос қўлимдаги даста шеърнинг бир бандига кўзим тушди:

Юрагим минг битта жойидан синди,
Қачон бошланади руҳимнинг тўйи?
Фақат бир таскин бор: ажабмас энди
Мени одам қилса эртанинг ўйи.

Ниҳоятда тиниқ изтироб, ишончли дард. Яна ўқидим, яна... Ўзбекистон жаҳон тиллари университети талабаси Беҳзод ҳаваскор эмас, шоир экан. Унинг бир даста шеврларини — «Ёшлик»ка илиндим.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА

ЭСКИ ТАЛҚИНЛАРНИНГ ЯНГИ ЖОЗИБАСИ

Ҳазрат Соҳибқирон ҳақида китоб ёзиш жуда мушкул иш. Бунинг учун Шарқ халқларинигина эмас, балки Ғарб мамлакатлари тарихини ҳам яхши билиш, Амир Темур яшаган замонни англаш, тушуниш, қадимда ўтган йирик давлат арбоблари ва улуғ саркардаларнинг ҳаёти билан яқиндан таниш бўлиш зарур. Бунинг учун, энг аввало, кўплаб тилларда ёзилган манбаларни бемалол ўқий олиш ва уларда келтирилган далил ҳамда маълумотлардан фойдалана билиш иқтидори ҳам талаб қилинади. Йирик олим Б.Аҳмедов ўзида худди шундай фазилатларни мужассамлаштирган ўзбек тарихчиларидан эди. Унинг улкан тарихчи олимга хос кўплаб фазилатлари «Амир Темур» номли асарида ҳам ўз муҳрини қолдирган.

Бу китоб улуғ Соҳибқирон ҳақида кейинги йилларда ёзилган тадқиқотлардан бири бўлиб, у Амир Темурни яхши билган тарихчи олимлардан, Низомиддин Шомий, Шарофиддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир, Бобур ва бошқаларнинг асарларини, улуғ саркарданнинг Франция, Англия, Туркия ва Венеция ҳукмдорлари билан олиб борган ёзишмаларини, шунингдек, юртимиз ва хорижий мамлакатларда битилган илмий ҳамда илмий-оммабоп манбаларни таҳлил қилиш асосида юзага келган.

Б.Аҳмедовнинг «Амир Темур» номли асари тарихий манбаларга, маълумотларга бойлиги, тилининг содда ва халқчиллиги, илмий таҳлилнинг устунлиги билан ажралиб туради. Асарда тасвирланаётган ҳар бир воқеа аниқ тарихий манбага асосланади. Хусусан, темурийлардан Мироншоҳнинг жанговор юришлари машҳур тарихчи олим Шарофиддин Али Яздий маълумотлари асосида аниқ берилган.

Адабиёт тарихидан маълумки, ҳар қандай ҳаққоний образ турли манбалардан олинган аниқ далиллар билан ҳар қаторда муфассал тасвирланган ва асарнинг барча воқеаларига узвий боғлаб юборилган бадиий тўқима воситасида яратилади. Б.Аҳмедов асарида ҳам Амир Темур шахсияти деярли бутунича тарихий манбалар асосида гавдалантирилиб, биронта ҳам эсда қоладиган, ёрқин бадиий тўқима воқеа доирасида кўрсатилмайди. Жумладан, Амир Темур қиёфаси ва унга хос бўлган асосий фазилатлар Б.Аҳмедов китобида илмий аниқлик билан гавдалантирилган.

Гулбаҳор ЮСУПОВА,
ЎзМУ аспиранти

Нашр индекси:
Якка обуначилар учун — 822.
Ташкилотлар учун — 968.
Навқиронлик сурурини ҳис этай десангиз, «Ёшлик»ка обуна бўлинг!

Qaysi kasbni egallamasin, elim deb yashayotgan odamning mehnati hech qachon qadr topmay qolmas ekan.

Elda aziz

Хабарингиз бор, 1-октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги "Маърифат" газетаси билан ҳамкорликда ўқитувчилар ва мураббийлар ҳаёти, меҳнат фаолиятидаги ютуқлари, илғор иш тажрибалари ҳақида ҳикоя қилувчи публицистик жанрдаги энг яхши асарлар танловини эълон қилган эди. Танлов ниҳоясига етди. Голиблар мукофотланди. Аммо айтиш жоизки, кўрик-танлолвни ўтказиш муддати якунланган бўлсада таҳририятимизга элда азизу мукаррам устозларимиз, уларнинг ибратли умр йўлларидан ҳикоя қилувчи мактублар оқими тўхтаганича йўқ. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, юртда эл ишончини, шогирди меҳрини қозонган ўқитувчиларимиз кўп. Шу боис таҳририят "Elda aziz" рукнини давом эттириб, ўз умрини халқ фаровонлиги, юрт равнақига бағишлаган элнинг эъзозли кишилари ҳаётидан сўзловчи, ўзига хос услубда ёзилган очеркларни эълон қилиб боришни лозим топди.

Қадр

— Сизни шогирдларингиз сўраб келишибди.

Хона деразасидан ташқарини кузатиб, ўйга чўмиб турган Козимжоннинг хаёлини ҳамширанинг товуши бўлди. У ортга ўгирилиб, тараддудга тушиб улгурмасдан йигирма-ўттиз чоғли йигит-қизлар хонага бостириб киришди. Хона ичи ҳаяжонли саломлашиш, дийдорлашувга тўлди.

— Устоз, соғликларингиз яхшими? Тузукмисиз?

Козимжон уларнинг ҳар бири билан қўл бериб сўрашгач, кичик хонадаги уч-тўрт кроватга уларни ўтиришга таклиф қилди. Кўплари ўрин етишмай, ўтирганларнинг орқасида тикка туриб қолишди. Мўъжаз кроватда ўтирганча қадрдон ўқувчиларининг соғлиғи ҳақидаги ташвишланиб сўраётган саволларига жавоб бераётган Козимжоннинг кўзларида ёш айланди. Булар — шогирдлари. Уларни ўқитган, олийгоҳларга ўзи кузатган. Хона ичи янада ёришгандай. Козимжон улар билан самимий суҳбатга берилди.

— Мактабга излаб борсак, сизни шифохонада дейишди. Тўғри шу ерга келавердик. Нима бўлди, устоз?

— Оёғим оғриб, жарроҳлик столига ётишимга тўғри келди. Ҳозир анча яхши. Бугун жавоб бериб юборишади, — деди Козимжон мамнун, уларнинг ташрифидан боши осмонга етиб. Кўпчиликнинг гуриллаб, бостириб кирганидан хавотирланиб, улар ортидан изма-из кирган ҳамшира бу кувноқ даврани, устоз-шогирдларнинг меҳр-муҳаббатга тўлиқ суҳбатни ҳавас билан кузатиб турарди.

— Собиқ синфдошлар учрашувига таклиф қилиб келдик, — деди йигитлардан бири.

— Албатта ўтаман. Раҳмат.

Устозларини уринтирмаслик учун улар қўзғалишди. Козимжон ва ҳамшира уларни ташқарига кузатиб чиқишди...

***

... — Турақол, болам. Ишингдан кеч қолма. Айниқса, бугун барвақтроқ бориб тур. Ўқувчиларинг кутиб қолишмасин. Учрашувинг бор-а? Илоё, жонинг омон бўлсин! — бу ҳар тонги гап. Гарчи Козимжоннинг ўз болалари улғайиб қолган бўлса ҳам, кекса Патила ая тонгда ўғлини ўзи уйғотишига Козимжон ҳам ўрганиб қолган.

У ювиниб-тараниб, наридан-бери нонушта қилдию йўлга отланишдан олдин бирров бақиб қўядиган тош ойнага узоқроқ тикилиб қолди. Ҳа, йиллар ўз ишини қилибди. Сочларидаги оқ кўпайибди.

— Дадаси, шогирдларингизга айтинг, эндигина касалдан турган одам, сал оёққа туриб олгунча ҳеч бўлмаса, уйга келмай туришсин, — деди ундаги вазминликдан хавотирга тушган турмуш ўртоғи Саъдияхон. — Ахир, уриниб қоласиз.

— Хавотирланманг. Мен соппа-соғман. Уларни эса қайтарманг.

Козимжон Жалолов — кимё фани ўқитувчиси. У Булоқбоши туманидаги 5-ўрта мактабда узоқ йиллардан буён ўқувчиларга сабоқ бериб келади, ўқувчиларининг кўпчилиги олий ўқув юртларига кириб, эндиликда турли касб мутахассислари бўлиб ишламоқда. У йўлга тушди. Ахир, уни мактабда собиқ ўқувчилари кутиб қолишади. Йўл-йўлакай уни хаёллар олиб қочди...

Ўқувчилик йиллари эди. Кекса ўқитувчи Идрис Аблязов ундаги иқтидорни, шижоатни кўриб, кимё фанидан ўтказиладиган олимпиадага таклиф этди. Козимжоннинг бу таклифдан боши осмонга етди. У энди астойдил тайёрлана бошлади. Ўша йиллари республика олимпиадасигача қатнашиб, кетма-кет 1-2-ўринларни эгаллашга муваффақ бўлган эди. У устозидек кимё фани ўқитувчиси бўлишни орзу қиларди. Ниҳоят, мактабни тамомлагач, Тошкент давлат университетининг кимё факультетига ҳужжат топшириб, имтиҳонлардан муваффақиятли ўтди. Олий ўқув даргоҳида ўқиб юрган пайтида ҳам талабалар ўртасида ўтказилган олимпиадаларга қатнашиб, Ўрта Осиё фан олимпиадалари босқичида биринчи ўринни эгаллади.

1978 йилда олийгоҳни тамомлаб, қишлоғига қайтгач, ўқитувчиликка астойдил берилди.

У иш бошлаган дастлабки йилларидаёқ, ўқувчиларни кимё фанидан олимпиадага тайёрлади. Унинг ўқувчилари туман, вилоят, республика босқичларида қатнашиб, ҳар гал олдинги ўринларда бўларди.

Козимжон ўз фани устида тинимсиз изланарди, мавзулар устида ишларди, натижада 1986 йили собиқ иттифоқ ёш ўқитувчилар кўрик-танловида "Кимё фанини ўқитишда фанлараро боғланиш" мавзусидаги туркум ишлари билан қатнашиб, ғолиб деб топилади.

"Ўқувчилар ҳузурида улар билан турли кимёвий тажрибалар ўтказиш, ўқувчиларнинг менинг сабоқларимга диққат ва ажабланиш билан қулоқ солаётгани, серсаволлиги ёқади", дер эди у. Козимжон ўқувчиларни ўз фанига қизиқтира оларди. Кимё, биология фанларидан қўшимча сабоқ олаётганларнинг кўпчилиги олийгоҳларнинг талабалари бўлар эди.

Мактабда ишлаётган ўқитувчиларнинг аксарияти синф раҳбари ҳисобланади. Айниқса, юқори синфларда ишлашнинг ўзи бўлмайди. "Энг яхши синф раҳбари" туман кўрик-танлови ўтказилганда бир неча мактаблардаги синф раҳбарлари фаолияти билан танишган ҳакамлар ҳайъатига Козимжоннинг ишлари маъқул бўлди ва у ғолиб деб топилди. Шундан сўнг унинг ўқитувчилик фаолиятига, ўқувчилар билан ишлаш "сирлар"ига қизиқувчилар кўпайди. Дарсларига туман, вилоятнинг турли мактабларидан ўрганиш учун ўқитувчилар кела бошладилар.

Вилоятда таъсис этилган Бобур номидаги мукофотга сазовор бўлган Козимжон астойдил қизиққан ўқувчилар билан қўшимча машғулотлар олиб боришга кўпроқ эътибор берди. Натижада Карим Сойипов, Дилдора Мамарасулова, Саида Хидировалар бир неча бор фан олимпиадаларининг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Козимжонни Андижон шаҳридаги вилоят педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти курси тингловчиларига маъруза ўқишга таклиф этишди. Козимжон у ерда йиғилган ҳамкасбларига ўз фанидан эришаётган ютуқлари, ўқувчиларни фанга қизиқтириш йўллари, машғулотлари даврида эришаётган муваффақияти, янги педагогик технологияни ўз усул — тажрибалари мисолида далиллаб, маърузалар ўқиди.

Бир неча йил вилоят фан олимпиадаларини ўтказувчи ҳакамлар ҳайъатининг аъзоси сифатида қатнашди. "Ўзбек олимлари ҳаёти мисолида ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш" мавзуида ижодий изланишни бошлади. Бироқ, узоқ йиллар давомида астойдил ишга берилган Козимжон бирдан соғлигини йўқотди. Оёқлари панд бериб, уни бир неча муддат тўшакка ётқизиб қўйди.

Шифтга тикилиб ётишдан ёмони бўлмас экан. Юрагингда гайратинг жўш уриб турсаю, шунга яраша имкониятинг бўлмаса. Севимли ишидан бир муддат айро тушиш, ўрганиб қолган кишилар билан узоқ вақт кўришмаслик, ўқувчиларидан ажралиш Козимжон учун ҳалокатдай туюлди. Йўқ, Оллоҳга айтгани бор экан, худойим унга шифо берди. Оёққа турди. Мана, у яна қадрдон мактабига, севимли ҳамкасблари, ўқувчилари орасига қайтди.

Козимжоннинг аввалги соғлиги тикланди. Мактабдаги машғулот хонаси, уйи яна ўқувчилар билан одатдагидек гавжумлашди. Ҳатто унинг билимдон ўқитувчи эканлиги ҳақидаги хабарни эшитган Қўқон, Фарғона шаҳарларидан олий ўқув юртларига кириш истагида бўлган ўқувчилар сўроқлаб келишди.

5-мактаб олимпиадалар, турли кўрик-танловлар, мусобақаларга қатнашиш жиҳатидан туман мактаблари ичида биринчилардан эди.

Турли олийгоҳларда таҳсил олаётган собиқ ўқувчилар Улуғбек, Беруний номидаги стипендияларини олиб ўқишарди.

Мактабда эндигина ўз фаолиятини бошлаётган ёш мутахассисларнинг дарсларини таҳлил қилган илмий мудир уларга кўпроқ Козимжоннинг дарсларини кузатишни таклиф этарди.

Кишига бирон-бир мукофот ёки рағбат беҳуда берилмайди. У мукофотга сазовор бўлиш учун шунга лойиқ иш қилиш керак, ишда, ҳаётда кўпчиликка ибрат, намуна бўла олиш даркор. Бу эса ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

Козимжон мукофотларга қизиқмайди, унинг учун мукофот — ўқувчилар эътибори, ота-оналарнинг миннатдорчилик сўзлари.

* * *

Мактабга етиб келган Козимжон мактабни танимай қолди. Остонадан тортиб, кираверишдаги хоналар гуллар билан безатилган, ўқувчи, ўқитувчиларнинг чеҳраларида табассум, собиқ синфдошлар эса учрашув шодиёналарига шай.

Козимжонни гуллар билан қарши олишди. Меҳмонлар ва барча ўқитувчилар мактабнинг байрамона безатилган муҳташам залига жам бўлишгач, мактаб директори Икромжон Каримов собиқ ўқувчиларни соғ-омон дийдорлашиб турганлари билан табриклади.

Бир неча сониядан сўнг Козимжонга сўз берилганда у: "Йиллар давомида бир нарсага амин бўлдим. Қайси касбни эгалламасин, элим деб яшаётган одамнинг меҳнати ҳеч қачон қадр топмай қолмас экан. Илоҳим, кишилар ўртасидаги меҳр-оқибат йўқолмасин. Қадр-қиммат ҳеч қачон орамиздан кўтарилмасин" деди мамнуният билан.

Умида ЮСУПОВА,
Булоқбоши туманидаги
3-мактаб ўқитувчиси

Ta'lim fidoyilari

Минғларнинг бири

Ақида Шамсиеванинг педагогик фаолияти Тошкент шаҳридаги 128-мактаб билан узвий боғлиқ. Айни пайтда у 2001 йилдан бери Чилонзор туман халқ таълими бўлимида ҳам услубчи.

Услубчининг асосий вазифаси фақат таълим муассасалари маънавий ва маърифий ишлари бўйича директор ўринбосарларига раҳбарлик қилишдан иборат эмас. Ўқувчилар ўртасида маънавий ишларнинг даражаси қандайлиги ҳам услубчини қизиқтириши керак. Бир ёқда синф раҳбарлари иши ва синфдан ташқари оммавий ишлар. Тўгараклар, жамоат ташкилотлари билан ишлаш. Қисқаси, бош қашишга ҳам вақт йўқ.

Ақида Шамсиева тажрибали ўқитувчилар ва раҳбарлардан кенгаш тузиб, "Синф раҳбари", "Маънавиятчининг иш режаси", "Кўрик-танловлар низоми" номли услубий тавсияномалар яратди.

1999—2001 йиллар давомида у Тошкент шаҳар педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида "Ўзбекистон давлатчилиги тарихи" курси ва "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" рисоласи бўйича илмий-услбий маърузалар қилди. Маърузалардан сўнг унда дарс ишланмалари яратиш ғояси туғилди. У шу тариқа "Ғоя нима?", "Бозор иқтисодиётининг беш асосий тамойили ёки ўзбек модели", "Она юртим — олтин бешигим", "Биз қандай жамият барпо қилмоқдамиз?", "Комил инсон ғояси" каби янги педагогик технологияга асосланган дарс ишланмаларини яратди.

Шу нарса диққатга сазоворки, тумандаги 200-мактаб "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фани юзасидан шаҳар бўйича таянч мактаб деб тан олинган. Ақида Шамсиева эса 200-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, филология фанлари номзоди Рамида Жавҳарова билан биргаликда "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласи асосида илмий-методик қўлланма яратди. Тавсияномадан география фанлари номзоди А.Ҳасановнинг "Ижодкор ёшларга — ижодкор устоз" номли мақоласи ҳам ўрин олган. Янги педагогик технология асосида ўтиладиган дарс ишланмалари ўқитувчиларга маъқул келиши, шубҳасиз.

Республика халқ таълими вазирлиги, республика Таълим марказида "Одобнома", "Ватан туйғуси", "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фанлари муаллифлари билан шу фандан дарс берувчи шаҳар, вилоят ўқитувчиларининг учрашуви ташкил этилди. Аввало дарсликлар олдига қўйилган талаблар, мақсад, вазифалар аниқлаб олинди ва келгусида бажариладиган ишлар режалаштирилди. Семинарда Ақида Шамсиева тренинг усулида "Комил инсон ғояси" мавзусини ёритиб берди.

Унинг тил равонлиги, сўз жозибаси, кенг билими, чуқур ва аниқ тафаккури ўша куни яна бир бор намоён бўлди. У йиллар давомида тарих, фалсафа, дин, мифологияга оид ва ҳозирги дунёвий адабиётларни пухта эгаллаганини семинар қатнашчиларига ёрқин кўрсата олди ҳамда уларнинг олқишига сазовор бўлди.

Орамизда юрт истиқболи, баркамол авлод учун қайғуришни ўзининг виждоний бурчи деб биладиган фидойилар кўп. Ана шулар сирсига Ақида Шамсиевани ҳам қўшгим келади.

Ҳафизахон ИБРАИМОВА,
РТМ бош методисти

Xotira

Болаларни севган устоз

Ҳар бир байрам арафасида ўқитувчи ва устозларни қутлаш учун ошиқар эканман, биринчи бўлиб бир қучоқ гулдастани тутганимча отажоним ҳамда устозим Забиҳиддин Жамоловни йўқлардим.

Меҳрибон, ширинсўз отажоним кўзлари севинчдан порлаб кутиб олар эдилар. Қўлларини очиб "Ҳамма яхши ниятларинг амалга ошсин, бошинг омон бўлсин" дея меҳр билан дуо қилардилар. У кишининг кумушдек оқарган сочларидан, юзларидаги ажинлардан устозликнинг масъулият ва машаққатларини ҳис этардим, ширин сўзлари ва меҳрли нигоҳларида эса болаларча самимиятни кўрардим.

Забиҳиддин Жамолов узоқ йиллар мобайнида пойтахтимиздаги Малик Мажидов номидаги 82-мактабда самарали меҳнат қилдилар. 45 йилдан ошиқроқ меҳнат фаолиятлари давомида минглаб шогирдларга математиканинг мураккаб сирларини ўргатдилар. Шу билан биргаликда, бир неча йиллар мактабда илмий бўлим мудири сифатида ишлаб, фидойи ҳамкасб, меҳридарё инсон сифатида ёш ўқитувчиларга устозлик қилдилар. Ўз касбини севувчи, жонкуяр инсоннинг меҳнатлари муносиб тақдирланиб, "Халқ таълими аълочиси", "Халқ таълими фидойиси" нишонлари билан мукофотланди.

"Забиҳиддин ака билан кўп йиллар бирга меҳнат қилдик. У киши жонкуяр, дилкаш ва самимий суҳбатдош ҳам эдилар. Шунинг учун ҳам уларни ҳамма—каттаю кичик бирдек яхши кўрарди" деб эслашади ҳамкасблари фахр билан.

Болалар билан бирга ишлаган инсон эса худди улар каби оқкўнгил, беғубор бўлади. Мен ўқитувчилик касбига нисбатан меҳрни улардан ўргандим. Отажоним менинг биринчи устозим ва маслаҳатгўйим эдилар. "Ўқитувчи одобда ҳам, ақлу заковатда ҳам устун бўлмоғи лозим. Болаларни севган, уларга меҳр қўйган, улар билан тил топишиб кета оладиган инсонгина "Устоз" деган шарафли номга лойиқдир" дер эдилар ҳамиша.

Бугун мен ҳам уларнинг изларидан бориб фидойи устоз, заҳматкаш мураббий бўлишга интилаяпман. Шогирдларимга эса отажоним ўргатганларидек меҳр билан, мустаҳкам билим беришга ҳаракат қилаяпман.

Ҳам отажоним, ҳам устозим З.Жамолов бугун орамизда йўқлар, аммо, уларнинг ҳар гал "Ҳамма яхши ниятларинг амалга ошсин, қизим" дея қўл очиб қилган дуолари ҳамиша биз билан бирга. Берган ўгитлари, қилган панд-насиҳатлари учун у кишидан бир умр миннатдорман.

Наргизахон ВАЛИЕВА

Ha, ha ishonavering. Har qanday kesatiq gap esa, Antuan de Sent-Ekzyuperi aytganidek, insonni toptaydi.

Ota-onalar uchun

ФАРЗАНДЛАР ЎЗИНИ ҚАНДАЙ БАҲОЛАЙДИ?

Барча ота-оналар фарзандларининг қўрқмас, ботир, ўз фикрини равон баён қила оладиган шахслар бўлиб вояга етишини хоҳлайди. Аммо, фарзандини ҳаммадан кучли кўриш истаги баъзан уларни тарбиялашда хатога йўл қўйишга олиб келиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўрмайди. Газетамизнинг ўтган сонларидан бирида болалар ўғирликнинг ёмонлигини билмаган ҳолатда ўғирлик қилиб қўйишлари ҳақида гапирган эдик.

Бу сафарги мулоҳазамиз болаларнинг ўзлари ҳақида қандай фикрда эканликлари хусусида.

Маълумки, умумий психология фанида инсонлар ўз хулқатвори, юриш-туришига кўра тўрт хил характер соҳиби бўлиши айтиб ўтилган, худди катталарда бўлгани сингари.

Мулоҳазаларимизни одатдагидек мисоллар билан асослашга ҳаракат қиламиз.

Уч ёшли Файзулланинг ўзини тутиши катталарни ҳам, ёнатрофидаги болаларни ҳам ҳайратда қолдирарди. У ўзини ёввойи бўридек тутар, салгина нарсага асабийлашиб, йиғлай бошлар, унга жилмайиб, юмшоққина гапирсангиз ҳам, уни эркаламоқчи бўлсангиз ҳам ҳўмрайиб тураверар ёки онасининг этагига ёпишиб оларди.

Файзулланинг бу характерини отаси "бироз одамовироқда", деб изоҳласа, онаси "одамга унча ҳам ёпишавермайди, бегонасирайди, балки кейинчалик бу одати қолиб кетар", — деб тушунтиради.

Аммо вақт ўтиб Файзулла катта бўла бошлагач, унинг одамовилиги қолмади, аксинча кучайди.

— Эй, бола соқовмисан, нега гапирмайсан?- дея уни кўчадаги болалар турткилайдиган бўлишди.

Файзулла эса, уларга ҳўмрайиб, қошларини чимириб қараб қўярди, холос.

Шундан кейингина унинг ота-онаси болаларининг руҳияти тўғрисида ташвишланиб қолишди. Улар Файзулланинг соғлиғи ҳақида жиддий ўйлай бошладилар. Ўғли қатнайдиган боғча руҳшуносидан онаси «Файзулла ўз имкониятларини тўғри баҳоламайди, шунинг учун бошқаларга қўшилиб кета олмайди», деган жавобни олди.

Нима учун бола ҳақида руҳшунос бундай хулосага келди? Кўпинча ота-оналар ўз фарзандлари билан нотўғри муносабатда бўлишади. Уларни очиқдан-очиқ тергайдилар. Ёки аксинча ота-оналар болаларига ўта даражада меҳрибонлик кўрсатадилар. Уларнинг жисмоний, маънавий ривожланишлари, ҳис-туйғулари устида бош қотирадилар. Тарбиячилар ва ён-атрофдаги бегона кишиларнинг болалар ҳақидаги фикрлари ҳам ота-она учун қизиқарли. Ота-она ўз фарзандининг бошқа болалар билан тиллашишини, ўйнашини диққат билан кузатишдан эринмайди.

«Боламда яна қандай фазилатлар бўлиши керак эдию, улар унда йўқ?» дея ота-оналар ўйлашади ва бошқа болалар билан ўз жигаргўшасини таққослаб кўради. Фақат барча ота-оналар «боламиз ўзи ҳақида қандай фикрда?» деб ўйлаб кўрмайдилар холос. Мана шу фикргина уларнинг эсига келмайди дейилади Россияда нашр этиладиган «1 сентября» журналидаги бир мақолада.

Инсон ўзига икки хил баҳо бериши мумкин — паст ва юксак даражали (бола ўз имкониятларини паст ёки юқори даражада деб ўйлайди). Ўзини паст баҳоловчи болалар одатда қўрқоқ, асабий, одамови бўлишади. Юксак даражалилар эса ўзига ишонувчан, босиқ бўладилар. Бу билан паст даражали бўлиш ёмон, юксак даражали бўлиш яхши деган фикрдан йироқмиз. Гап шундаки, ҳар бир ота-она боланинг ўзи ҳақидаги фикри ҳақиқатга яқинми, яъни унинг ички дунёси ва хатти-ҳаракати, қобилияти, унга бошқа одамларнинг муносабати ўзи ўйлаганчаликмикан, деб мулоҳаза юритиб кўришлари керак. Бола ўз имкониятларини юқори баҳоласаю, аслида эса ўйлаган ишини амалда бажаролмаса, масалан, уйча расмини чизолмаса, кийимининг тугмасини ўзи қадай олмаса — буларнинг барчаси боланинг серзарда, асабий, ўз айбини бировга ағдарадиган қилиб қўйиши мумкин. Албатта, бундай пайтларда болани танқид қилиб, уни жиғига бадтар тегиш нотўғри бўлади. Яхшиси, уни юпатиб, муваффақиятсизликлар сабабини ётиғи билан тушунтириш, унга кўмаклашиш (агар қарши бўлмаса) тўғрироқ бўлади, дейди руҳшунослар.

Бировларнинг яхши хислатларини кўролмаслик, ғурурли бўлиш, ўзини керагидан зиёд хотиржам тутиш ҳам юксак даражали болалар учун хавфли белгилардир.

Ўзини паст даражалилар қаторига қўйиш ҳам, руҳшунослар фикрига кўра, болани мустақил ишга қўл уришдан маҳрум этади. «Мен буни қилолмайман!» деган жумла уларнинг шиорига айланиб қолади.

Демак, ўз-ўзини баҳолаш қотиб қолиш дегани эмас. Аксинча, бола улғайиб боргани сайин унинг камчиликларини бартараф этиш мумкин.

ОТА-ОНАЛАР ҚАНДАЙ ХАТО ҚИЛАДИЛАР?

Беш ёшли болакай ботинкаси боғичини боғлашга роса уринади. Алалоқибат бу ишни уддалай олмайди.

— Қачон ўзинг боғлайсан, қачонгача мен боғлаб қўяман?!- дея зарда қилади она.

Ҳар куни худди шу танбеҳни эшитадиган бола ўзини дунёдаги энг ношуд, энг нотавон бола деб ҳисобламайдими? Унинг ўзи ҳақидаги фикри шу тариқа онгига ўрнашиб қолаверади. Катталарнинг билар-билмас айтиб қўйган гаплари болаларга қанчалик таъсир қилишини ҳеч ким тасаввур ҳам қилолмайди. «Лапашанг, анқов, дангаса!» - бу сўзларни ота ёки она ортиқча ўйламасдан айтиб юборади. Аммо мана шу ўйланмай айтилган гап туфайли болакай ўзига ишончсиз ва умидсиз бўлиб қолади. Ота-онам, ака-опам, бува-бувим шундай деяптими, демак мен шунақаман, деб ўйлай бошлайди. Уни бу ўйдан халос этиш анча оғир кечадиган жараён. Демак, ота-она қилмаслиги керак бўлган биринчи вазифа — фарзандга қўпол ва уни камситувчи танбеҳлар бериш.

Агар сўнгги пайтларда эътибор бераётган бўлсангиз, бола билан ота-она тенгдошлардек муомала қилмоқда. Айниқса, чет эл фильмларида бу одат яққол бўртиб туради. Турмушидан ажрашган она ёки ота фарзанди билан турмушга чиқиш, уйланиш ҳақида маслаҳатлашади. Шундан кўриб олишганми, ёки бошқа сабабми бизнинг ҳам ёш ота-оналаримиз фарзандлари билан худди сирдошлардек муносабатда бўлишни урф қилиб олишган. Ҳатто улар мурғаккина фарзандларини ҳам бемалол кесатишади, қочиримли гаплар билан қойишади. Бола эса ўз навбатида бу гапларни тўғри тушунади ва худди ўйиндек қабул қилади.

Тўрт ёшли болакай қоронғу йўлакка кирганида - Ойижон, қўлингизни беринг, - дея ялинишни бошлайди.

— Ҳозирда, ахир сенинг «мард»лигинг қаёққа йўқолди. «Ботиртой» эдингку? — дейди она.

Ёки дўмбоққина қизалоқ ногаҳон арғимчоқдан йиқилиб тушади.

— Хаҳ қовушмаган-а, йиқилгани-йиқилган, шу гавдасига ... Ҳеч ўзини эплай олмади-олмади-да, — дея қўшни аёллар билан гаплашиб турган она қизи устидан кулади.

Балки болалар катталарнинг кесатиқ гаплари замирида нима ётганини тўлиқ тушунмас, аммо ота ёки онаси уни камситаётганини яхши ҳис қилиб туради. Ҳа, ҳа ишонаверинг. Ҳар қандай кесатиқ гап эса, Антуан де Сент-Экзюпери айттанидек, инсонни топтайди.

Демак ота-онанинг иккинчи хатоси ҳам ойдинлашди.

Жисмоний жазолашнинг акс таъсири ва зарари ҳақида кўп бор айтилган. Ота-онасидан калтак еб ўсган болалар нафақат ўзи ҳақида, балки бошқалар тўғрисида ҳам анча салбий фикрда бўладилар. Ҳар қандай жазолаш усули бола қалбида қўрқув уйғотади ва ўзининг кучсиз эканлигига ишонтиради. Булар эса боланинг ўз шахсига нисбатан ҳурматсизлик билан қарашига сабаб бўлади.

Ота-оналар фарзандининг камчилигини бегона кишилар билан муҳокама қилмаслиги керак. Айниқса, боланинг ёнида. Бу қоида фақат беш-олти ёшли болакайлар учун эмас, балки жажжи гўдакларга ҳам тааллуқлидир. Машҳур педагог Сухомлинскийнинг: «фарзандингизнинг ёмон иллати ҳақида қанча кам одам билса, шунча яхши» деган ўгитини ёддан чиқармаслик лозим.

Болани бошқа болалар билан таққослаш ҳам илк тарбиячи, яъни ота-оналарнинг хатоларидан биридир.

— Сен билан тенг Дилафрўз ҳамма ҳарфларни таниятпти, сенчи, сен?

Буви Наргизада ҳам энди ўқишга иштиёқ уйғонади, у ҳам ўртоғи каби тез орада алфавитни ёдлаб олади, деб ўйлайди. Невараси эса ўртоғи Дилафрўзга ғалати қараш қилади, аммо алфавитни барибир ёдлолмайди.

Йиллар ўтади. Анча катта бўлиб қолган Наргиза қандайдир сабаб билан болалигидан юрагига ботиб юрган гапни зарҳар каби сочади.

«Албатта, мен сизларга Дилафрўз эмасман!»

Фарзандни ўз ютуқлари билан қувонишга ўргатиш керак. «Вой, бунча яхши, пайпоғингни ўзинг кийдингми? Баракалла.Ўнгача санашни ўрганиб олдингми? Зўрсанку!» Бундай мақтовлардан кейин бола сўзсиз руҳланиб, янги чўққилар сари интилади.

«Қилолмайман», «қўрқаман», «хоҳламайман» деган гаплардан бола иложи борича узоқроқ бўлгани яхши. Биринчи қадамларданоқ, бир уринишда севимли ўйинчоғини қўл узатиб олиши болани қанчалик руҳлантиришини кўпчилик билмайди. Бундай пайтларда ота-она ортиқча жонкуярлик қилиши, болага меҳрибонлик кўрсатиши керак эмас. Аксинча, бола ўз ҳолига қўйилса ва унга қулай шарт-шароит яратиб берилса бас. Уч ёшли боланинг ўз уйидаги кичик нарвоннинг иккинчи поғонасига кўтарилишга юраги бетламаслиги аниқ. Шундай пайтда ота-она ёки ака-опа у билан бирга «Қутқарувчилар» ўйинини ўйнаши керак. Бола ўз ўйинчоғини «жар»дан (тўнтарилган стул бўлиши мумкин), бошқа ўйинчоқларини «йўлтўсар безори» (отаси ва бошқа ўйинчоқлари)дан қутқарганида, «ёниб турган уй»нинг (отаси шкафнинг юқори токчасига ўйинчоқни ўтказиб қўйган) тўртинчи қаватидан ўйинчоғини қутқарганида қанчалар қувонишини бир кўрсангиз эди. У ўйинга қизиқиб кетиб ўзи чўчиган тўсиқни қандай енгиб ўтганини ҳам билмай қолади. Бола ўйинчоқни қутқариб, нарвончадан тушганида у билан бирга ўйнаётган киши уни худди катталардек қўлини сиқиб, ғалаба билан табриклаши керак.

Энг сўнггиси, болага ҳеч қачон унинг қурби етмайдиган ишни буюрмаслик керак. Балки у ҳали ўз ўрнини тартибга солишни уддалолмас. Лекин ўйинчоқларини жой-жойига қўйишни эплаб турса ҳам катта гап. Кейин аста-секин жойига тушиб кетади.

***

Болаларда ўз-ўзини баҳолаш қачон пайдо бўларкин? Беш ёшдами, ўн беш ёшдами? Аниқ рақамни айтиш қийин. Аммо бир нарса аниқки, у қачон шунга тайёр бўлса, ўшанда ўзи ҳақида фикрлайди, ўзига баҳо беради. Диққат билан кузатган ота-она фарзандида бундай хусусият ҳали мурғаклигиданоқ ривожланаётганлигини сезади. Масалан, уч ёшли Камолага конфет беришди. «Менга ҳам озгина бер» деб сўраган бувисига у «йўқ, ўзим ейман», деди-да, кўчага ўйнагани чиқиб кетди. Бир соатлардан сўнг у чопиб келиб, «Бувижон, кечиринг, кейинги сафар албатта сизга ҳам конфетимдан бераман», деди бувисининг қучоғида эркаланиб. Демак, ўтган бир соат давомида қизалоқнинг хаёлида шу нарса бўлган. Яъни, унинг виждони қийналган. Бундан келиб чиқадики, Камола нима яхшию, нима ёмонлигини ажрата билган.

Ота-оналар фарзандининг ўзига тўғри баҳо беришига ёрдамлашмоқчи бўлсалар, аввало яхшилаб ўйлаб кўришлари керак. Бола ўзи ҳақида қандай фикрда? Албатта ота-она буни фарзандидан тўғридан-тўғри сўрай олмайди. Аммо унинг чизган расмларига разм солишингиз мумкин. У расмда ўзини қандай тасвирлайди? Кичкина, чала-чулпа (қўл-оёқсиз) чизган бўлса, билингки, у ўзига унча ишонмайди. Агар расмларда бўғиқ рангларни кўп ишлатса, демакки, у нимадандир норози... балки ўзидандир?

Яна бир усул. Болангизга тестга ўхшаш ўйин (тўғри, бу ҳам энг мукаммал усул эмас) таклиф қилинг. Мана ўша тест.

Оппоқ қоғозга юқорига йўналган поғоналари кўп узун зинапоя чизинг. Болангизга ўзини қайси поғонада эканлигини чизишини айтинг. Агар у ўзини зинанинг энг юқори поғонасига қўйса, билингки, у ўзини юқори баҳолайди. Агар ўзини қуйироқда чизса, ўзи ҳақида анча салбий фикрда бўлади. Ота-она фарзандига бу топшириқни бермасдан аввал ўзи ҳам боласини зиналарнинг қай биригадир қўйиб чиқиши ҳам мумкин. Кейин бола чизган сурат билан ота-онанинг чизган сурати ўртасидаги фарқни ҳам топиш мумкин.

Сиз ўзингиз фарзандингизни қандай баҳолар экансиз? Сизнинг фикрингизча у ўзи учун қандай жой ажратади ва ниҳоят, у ўзини қандай баҳолайди? Муҳими, фикрлар бир-биридан узоқ бўлмасин. Акс ҳолда ота-она билан фарзанд муносабатларида ниманидир зудлик билан ўзгартиришга тўғри келади.

Кичкинтойлар ўз суратларини чизишни ёқтиради. Баъзилари ўзларининг кулиб турган суратларини чизишади. Баъзилари эса, ўзларини от минаётган, самолёт бошқараётган ҳолда ёки Маугли каби турли ҳайвонлар даврасида тасвирлашади.

Бир нарса аниқки, барча болакайлар ўзларини меҳрибон, гўзал, кучли кўришни исташади. Уларнинг ҳаётда ҳам орзуларидек бўлишларига эса, биз катталар ўз ҳиссамизни қўшсак, яхши бўларди.

Шарифа МАДРАҲИМОВА тайёрлади.

... vaqtlar o'tishi bilan unga yangi-yangi "shox"lar, "shoxcha"lar, "barg"lar qo'shila borgan. Masalan, Evklid geometriya yaratgan, bu bir yirik "shox" — al-Xorazmiy algebrani yaratgan — bu ikkinchi "shox" va arifmetikani rivojlantirgan — bu uchinchi "shox".

ИЛМИЙ-ТАРИХИЙ ШАЖАРАЛАР

Teran tomirlar

"Шажара" сўзининг маъноси — аждоду авлодларнинг гўёки бир дарахтмисол йириклашиб бориши, тадрижий бир давомийлиги деганидир. Бир илдиздан шохлар ва барглар пайдо бўлганидек, биз бу ерда киши аждод-авлодларининг, илмий тушунчаю ғояларининг ривожланишини "шажара дарахти" кўринишида ифода этмоқчимиз. Бу тўртта шажара мисолида кўрсатилади. Биринчиси "Математика", иккинчиси "Алгебралар", учинчиси "Алгоритмлар", тўртинчиси "Аждод-авлодлар" шажараси.

Математика шажараси. Математика тарихан умумий бўлгани билан, бора-бора кўп йўналишларга бўлиниб кетган. Яъни вақтлар ўтиши билан унга янги-янги "шох"лар, "шохча"лар, "барг"лар қўшила борган. Масалан, Евклид геометрия яратган, бу бир йирик "шох" — ал-Хоразмий алгебрани яратган — бу иккинчи "шох" ва арифметикани ривожлантирган — бу учинчи "шох". Лейбниц ва Ньютон дифференциал ва интеграл ҳисобини бунёд этишган — бу тўртинчи "шох" ва ҳоказо. Галдаги "шох"лар: дифференциал ва интеграл тенгламалар, вариацион ҳисоблаш, тензор таҳлили, ҳақиқий ўзгарувчан функциялар назарияси, комплекс ўзгарувчан функциялар назарияси, топология, умумлаштирилган функциялар назарияси, математик мантиқ ва бошқалар.

Демак, умумматематика шажарасида ал-Хоразмийнинг бошқа математиклар қатори ўз йўналиши — "шох"и ва "барг"лари бор.

Алгебра шажараси. Ҳозир алгебралар сони бир неча ўнлаб, лекин илдизи битта. У ҳам бўлса ал-Хоразмий алгебрасига бориб тақалади. Ҳа, буюк аждодимиз ўтқазган битта "кўчат"дан катта "дарахт" пайдо бўлган. "Шох"лари: Бул алгебраси, Ли алгебраси, ярим майдонлар алгебраси ва ҳоказо.

Алгоритмлар шажараси. Дастлабки алгоритмларни ал-Хоразмий кашф қилгани учун улар "Ал-Хоразмий алгоритмлари" деб ҳам юритилади. Ундан кейин асрлар давомида буюк математиклар галдаги алгоритмларни кашф этишни бошлашди. Улар — Ньютон, Лагранж, Лежандр, Гаусс, Чебишев алгоритмларидир. Ўзбекистонда математика, кибернетика ва бошқа соҳадаги олимлар фан, техника, технология, алоқа, транспорт, тиббиёт, қурилиш, экономика соҳаларида янги долзарб алгоритмлар тузишди ва улар амалиётда қўлланилмоқда. Улар жумласига Қобулов, Абуталиев, Комилов, Набиев алгоритмлари киради.

Аждод-авлод шажараси. Одамзод Одам Ато ва Момо Ҳаводан тарқалган, деган тамойилни қабул қилсак, Ер юзидаги ҳар қандай авлод бориб-бориб ана шу зотларга тақалади. Албатта, бошқа биологик тамойиллар, масалан, Дарвиннинг эволюцион назарияси ҳам борлигини унутмаслигимиз керак. Бу ҳолларнинг ҳаммасида ҳам, барибир, ҳозир яшаётган ҳар бир инсоннинг отаси, буваси ва ҳоказо аждодлари ўз вақтида яшаган бўлмаслиги мумкин эмас. Яъни, ҳар бир одамнинг табиий-тарихий шажараси бор. У ёзилмаган ёки ёзилган бўлиши ҳам мумкин. Тарихда ёзиб қолдирилган шажаралар унча кўп эмас. Бу соҳадаги илм генеалогия деб аталади ва бу борада анча ютуқлар бор.

Ўзбекистонда ўтган асрларда ҳуқуқ идоралари, қозикалонлар ўз муҳрлари билан тасдиқлаган шажаралар учраб туради. Ана шундай шажаралардан бири Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Беруний номидаги шарқшунослик институти тарихий-ҳуқуқий ҳужжатлар хазинасида сақланиб келаётган Шайх Зайниддин Бобо Кўйи Орифхон Тошкандий ибн Шайх Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар Суҳравардий шажарасидир. Бу тарихий шажарани ўтган замонларда 57 та қозикалонлар ҳуқуқий ҳужжат сифатида ўз муҳрлари билан тасдиқлаганлар. Ушбу шажара беш минг йиллик даврни ўз ичига олиб, Идрис алайҳиссаломдан бошланган. У зотнинг ўн биринчи авлоди ҳисобланадиган Иброҳимнинг икки ўғли бўлган: Исмоил ва Исҳоқ. Исмоилдан мусулмон авлодлар, яъни Идрис-Исмоил-Сухвардий-Шайх Зайниддин-Норхўжа Тошкандий йўналиши, Исҳоқдан эса насроний ва яҳудий авлодлар, яъни Идрис-Исҳоқ-Исо Масиҳ (Иусис Христос) йўналиши бошланган. Ушбу шажара 80 дан ортиқ аждод-авлодлардан иборат. Уларнинг ҳаммасини кетма-кет ёзиб чиқиш анча жойни олади. Биз бу ерда улар сонини қисқартирганимизни уч нуқталар билан ифодаладик. Шажаранинг 50-авлоди Суҳравардий (1144-1234) ўзининг "Аворуф ул-маориф" китобида ўз фалсафасини яратган бўлиб, бу асар араб, форс, инглиз, француз ва немис тилларида ҳануз нашр этиб келинмоқда. 73-авлод ҳисобланувчи Саййид Норхўжа (1779-1863) шажарада қуйидагича таърифланган: "Мазкур Норхўжа азизлар узоқ муддат давомида... ноиблик мартабасида, қиём кўргазганлиги ўз даврининг султонлари ва уламолари томонидан берилган ҳужжатларда ўз аксини топган, умаро ва хоқонларнинг берган ёрлиқлари шундан далолат беради". XIX—XX асрларда ҳам ушбу шажарага дахлдор авлодлардан кўплаб атоқли шоирлар ва олимлар етишиб чиққан. Шоир Хислат (1880—1945) шулар жумласидан.

Ҳар бир оила ўзининг ўтган аждодлари шажарасини билганича ёзиб ва уни келгуси авлодларга давом эттириш учун қолдирса, фойдадан холи бўлмас эди. Лекин бунга кўп ҳолларда эътибор берилмайди. Агар шажара илмини йўлга қўя олсак, халқимиз маънавияти бирмунча юксалган бўлар эди.

Омонулла ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор



1. МАТЕМАТИКА ШАЖАРАСИ



2. АЛГЕБРАЛАР ШАЖАРАСИ



3. АЛГОРИТМЛАР ШАЖАРАСИ



4. АЖДОД-АВЛОДЛАР ШАЖАРАСИДАН НАМУНА

ИНДОНЕЗИЯДА АВТОҲАЛОКАТ

Индонезияда мактаб автобуси ҳалокатга учради. Оғир юк машинаси билан тўқнашиб кетган автобусда 54 йўловчи бўлган. Улардан аксарияти мактаб ўқувчилари эди. Ўқувчилар Бали оролидан дам олиб қайтишаётган бўлиб, оғир юк машинаси ҳайдовчиси автоуловини бошқара олмай қолган. Тўқнашув натижасида бир неча автоуловлар бир-бирига урилиб, ёнғ бошлаган. Ёнғин тезда автобусга ўтган. Ўқувчилар эса автобусдан чиқа олмай қолишган. Ёнғин оқибатида 51 ўқувчи ҳалок бўлган. Ажабланарлиси шуки, оғир юк машинаси ҳайдовчиси тирик қолган ва тўқнашув жойидан яширинган. Ҳозирда полиция ҳалокат сабабчисини қидирмоқда. Полиция маҳкамасининг хабар беришича, Индонезия кўчаларида бахтсиз ҳодисалар учраб туради, лекин буниси ҳаддан ташқари оғир оқибатларга олиб келган.

БАҒДОДДА ПОЛИЦИЯ МАҲКАМАСИ ПОРТЛАТИЛДИ

Бағдоддаги полиция маҳкамаси бинои олдида портловчи модда билан тўлдирилган автоулов портлатилди. АҚШ ҳарбийларининг хабар беришича, портлаш натижасида 9 киши дунёдан кўз юмган ва яна бир неча киши оғир ярадор бўлган. Қўпорувчилик ҳаракати Бағдоднинг Садр Сити туманида содир этилган. Бағдод шаҳри полиция ходиминнинг айтишича, портлашни камикадзе эркак содир этган. Автоулов тўғридан-тўғри дарвозани ёриб ўтган ва портлаб кетган. Автоулов портлаганидан сўнг АҚШ ва Британия ҳарбийлари Бағдод шаҳрида назоратни кучайтиришган. Бундай ҳодиса Бағдод полиция маҳкамаси биноси ёнида йил бошидан бери бир неча марта содир этилган.

АФҒОНИСТОНДА НОТИНЧЛИК

Афғонистоннинг шимолий қисмидан нохуш хабарлар келмоқда. Ҳарбий қўмондонлар Рашид Дўстум ва Ота Муҳаммад ўртасида ҳарбий тўқнашувлар бўлиб ўтган. Тўқнашув Мозори Шариф шаҳри яқинида бўлган. Ассошейтед пресс ахборот агентлигининг хабар беришича, қуролли тўқнашув натижасида 60 га яқин киши ҳалок бўлган. Тўқнашув Афғонистонда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ҳамма ҳарбий гуруҳларни бирлаштириш ва қуролсизлантириш битимига имзо чекилаётган вақтда бўлганлиги, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш анча мушкул кечаётганидан далолат бермоқда. Генерал Дўстумнинг хабар беришича, Ота Муҳаммад жангчилари биринчи бўлиб ўт очишган ва Дўстумнинг бир неча аскарларини ярадор қилишган. Қуролли тўқнашувнинг асл сабаблари ҳалигача номаълумлигича қолмоқда.

КАЛИФОРНИЯДА ЯНГИ ГУБЕРНАТОР

АҚШ киноюлдузи Арнольд Шварцнеггер эндиликда сиёсат билан жиддий шуғулланади. Калифорния штатининг 48 фоиз аҳолиси киноюлдуз учун овоз берган. Кўплаб рақибларни доғда қолдирган Шварцнеггер эндиликда кинода бошқа роллар ўйнамаслигини айтиб ўтди. Калифорния штатида кўпгина муаммолар мавжуд бўлиб, янги губернатор биринчилардан бўлиб штатдаги ишсизлик билан курашишни айтиб ўтди. Янги губернаторни биринчилардан бўлиб АҚШ президенти Жорж Буш табриклади. Аммо унинг рақиблари Шварцнеггер сиёсатдан умуман бехабар ва штат бюджетидаги 10 миллиард камомадни тўлғазишига кўзимиз етмаяпти, дейишмоқда.

Internet материаллари асосида С.ФАЙЗУЛЛАЕВ тайёрлади.

ТИЛШУНОСЛАРНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ

Taassurot

Дунёда тиллар кўп, ҳар бирининг ўз ўрни ва жозибаси бор. Шуниси қизиқки, миллатлар бир-бирларининг тилларини ўрганишади ва ҳурмат билан қарашади. Юртимизда ҳам жаҳондаги мавжуд кўплаб тиллар ихлос билан ўрганилмоқда. Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети "Умумий тилшунослик" кафедраси доценти Ш.Шоазизов шу йил 17-21 сентябрь кунлари Москва шаҳрида бўлиб ўтган "Тил ва маданият" мавзусидаги халқаро анжуманда иштирок этиб қайтди. У ўз тафсилотларини қисқача шундай ифодалади:

— Халқаро доирада ўтказилган бу анжуманга ўзбекистонлик вакилларнинг ҳам бориши катта аҳамиятга эга, деб ўйлайман. У ЮНЕСКО ҳомийлигида ўтказилди. Ташкилотчилар эса Москва хорижий тиллар институти, Россия фанлар академияси, Давлат думаси, "Филология масалалари" журналидир.

Буюк Британия, Испания, Швейцария, Латвия ва бошқа мамлакатлардан борган тилшунос олимлар сафида биз ҳам дунё миқёсидаги тилшунослик масалалари муҳокамасида иштирок этдик. Ялпи мажлисдаги асосий маърузалар — "Глобаллашув ва тиллар тараққиёти", "Бирлаштирувчи тиллар ва тилларнинг бирлашуви" назарий жиҳатдан юқори савияда тайёрланганлиги билан диққат-эътиборимизни тортди. Маърузачилар томонидан амалда ўз вазифаларини бажараётган роман-герман, славян, туркий ва бошқа гуруҳларга кирувчи тилларга оид масалалар ҳар томонлама кенг изоҳланди.

Одатда бундай катта анжуманлар йириклаштирилган шўъбаларга бўлинган ҳолда иш олиб боради. У ерда ҳам 11 та шўъба ишлади. 559 та маърузанинг ҳар бирида тилшуносликнинг у ёки бу жиҳати қамраб олинган эдики, ҳар ким муносабат билдириш, фикрларини эркин баён қилиш имконига эга эди. Биз уларни информацион техник воситалар билан таъминланган хоналарда тингладик.

Беш кун давом этган халқаро анжуманда айниқса, профессор А.Н.Баскаковнинг "Россия Федерациясида туркий тиллар тараққиётининг ҳозирги кундаги муаммолари", профессор Д.А.Йоманинг (Латвия) "Латвияда давлат тилига бўлган муносабат", профессор М.А.Демьяненконинг "Хорижий тилга ўргатишда интернетнинг аҳамияти" каби маърузалари холисона ёзилгани билан манзур бўлди. Хусусан, интернет тизими чет тилларини ўрганишда уч йўналишни таклиф этади: коммуникация, информация, публикация. Коммуникация ва информация — булар хорижий тиллар дарсининг марказий жиҳатлари ҳисобланади. Умуман, анжуман ҳақидаги таассуротларимизни умумлаштиряпмиз. Булар бизга таълим жараёнида асқотади.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА ёзиб олди

Dunyo mamlakatlari

ИСПАНИЯ

Испания давлатида спорт турлари ичида футбол жуда тараққий топганлиги ҳаммага маълум. Кўпчилик Испания ҳақида кўп маълумот билмаса-да, лекин футбол жамоалари номини яхши билади. Яхшиси, биз футбол ҳақида гаплашмайлик-да, бу давлат ҳақида бошқа маълумотларни келтирамиз.

Испания Қироллиги Европанинг жануби-ғарбида, Пиреней ярим оролида жойлашган давлатдир. Ўрта Ер денгизидаги Балеа, Атлантика океанидаги Канар ороллари, Африканинг шимолий қирғоғидаги Сеута ва Мелилья шаҳарлари ва унга ёндош Велес-де-ла-Гомера, Алусемас, Чафаринас ороллари ҳам Испанияга қарайди. Унинг умумий майдони 504,75 минг км². Аҳолиси 40,037 миллион киши. Маъмурий жиҳатдан ўз ҳукумати ва парламентига эга бўлган 17 мухтор регионга, улар, ўз навбатида 50 та вилоят (provincia)га бўлинади. Пойтахти Мадрид шаҳридир, у ерда 5 миллион киши яшайди. Энг катта шаҳарлари: Барселона (2 миллион), Валенсия (1,0 миллион), Севилья (750 минг), Сарагоса (580 минг), Бильбао (503 минг), Малага (440 минг).

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Испания билан савдо-иқтисодий ва маданий-маърифий соҳаларда ҳамкорлик йўлга қўйила бошланди. Икки мамлакат расмий делегацияларининг ўзаро ташрифлари чоғида ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий негизини яратувчи бир қанча ҳужжатлар имзоланди.

Иккала мамлакатнинг савдо-иқтисодий алоқалари Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан муносабатлари доирасида ривожланмоқда. Ўзаро товар айланмаси 2000 йилда 1999 йилга нисбатан 1,9 баравар ошди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Испанияга экспорти 20,1 миллион, импорти 5,8 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистон Испанияга пахта толаси, газлама, калава ип экспорт қилса, ундан электротехника ва механик асбоб-ускуналар, дори-дармон, қора металлар, пластмасса, керамика маҳсулотлари сотиб олади. Испания компания ва фирмалари билан ҳамкорлик соҳасида Бухоро вилояти сув таъминоти тизимини такомиллаштиришга киришди. 16 миллион евро қийматига эга бўлган бу лойиҳа Испания ҳукуматининг имтиёзли ва тижорат кредити ҳисобидан амалга оширилади. "Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг" компанияси билан "Алтиери Виникола" фирмаси Ўзбекистонда вино ишлаб чиқарадиган "ЯНИС" қўшма корхонасини барпо этди. "Ўзфармсаноат" концерни билан Испаниянинг "Крупак" компанияси бинт ва дока ишлаб чиқарадиган корхона барпо этиш учун 7,9 миллион евро миқдорида пул сарфлади. Ўзбекистон Республикасида Испания сармояси иштирокида 11 та корхона ташкил этилган.

Ўзбекистон ФА институтлари билан Испания Миллий тадқиқот кенгаши ўртасида қуёш энергиясини фотоэлектр усулида ўзгартириш, ярим ўтказгичли материалшунослик соҳаларида ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети Испаниянинг Гранада, Мадрид, Алкала де Энарес ва Малага университетлари билан ҳамкорлик ўрнатган. Жаҳон тиллари университетида испан тили ва маданияти маркази очилганини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Испаниянинг давлат тузуми парламентли монархиядир. Амалдаги конституцияси 1978 йил 6 декабрдаги миллий референдумда маъқулланган, ўша йили 29 декабрдан кучга кирган. 1992 йилда унга тузатишлар киритилган. Давлат бошлиғи қирол (1975 йил 12 ноябрдан Хуан Карлос I). Қонун чиқарувчи ҳокимияти Бош кортеслар (парламент амалга оширади). Кортеслар икки палата — депутатлар конгресси ва сенатдан иборат. Ижрочи ҳокимиятни ҳукумат амалга оширади. Ҳукумат раисини қирол сиёсий партиялар ва парламентнинг иккала палатаси раислари билан маслаҳатлашиб тайинлайди.

Испанияда 500 дан кўпроқ сиёсий партия ва жамоат ташкилоти рўйхатга олинган. Асосий партиялари: Халқ партияси 1976 йилда, Испания социалистик ишчи партияси 1879 йилда, Испания коммунистик партияси 1920 йилда тузилган. Баскларнинг миллатпарвар партияси 1993 йилда тузилган, Каталония демократик конвергенциясига 1974 йилда асос солинган.

Испания аҳолисининг 3/4 қисми испанлардир. Шунингдек, каталонлар, галисийлар, басклар ва бошқалар яшайди. Расмий тили — испан тили. Кўпчилик диндорлар — католиклар. Аҳолисининг 78,4 фоизи шаҳарларда яшайди.

Испания индустриал-аграр мамлакат. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан Ғарбий Европада 3-ўринда, ривожланган мамлакатлар ўртасида 8-ўринда туради. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 23 фоиз. Қишлоқ хўжалиги улуши 3,5 фоиз, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши эса 60 фоиздан ортади. Баъзи субтропик ва боғдорчилик маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилишда дунёда олдинги ўринларда туради.

Мамлакат майдонининг 71 фоизида деҳқончилик қилинади. Испанияда вино (дунёда 3-ўрин) тайёрланади, цитрус мевалар (апельсин ҳосили бўйича Европада 1-ўринда, йилига 3 миллион тонна), буғдой(экин майдонининг 20 фоизи), шоли етиштиришда дунёда энг юқори ҳосилдорлик 60-70 центнер, бодом, тамаки, пахта, қанд лавлаги, сабзавот (экин майдонининг 69 фоизида), кунгабоқар етиштирилади. Олий нав зайтун ёғи ишлаб чиқаришда дунёда 1-ўринда туради (йилига 400 минг тоннадан зиёд).

Испания субтропик минтақада жойлашган. Қирғоқ чизиғининг узунлиги ороллар билан бирга 5 минг км.дан узунроқ. Испания ҳудудининг асосий қисми плато, ўртача баландликдаги тизмалар, ясси тоғликлар ва пасттекисликлардан иборат. Платоларнинг баландлиги шимоли-ғарбга 800 метр, жануби-шарққа 500-600 метр. Улар ўртасида Марказий Кордильера тоғ тизмалари бор. Испаниянинг шимоли-ғарбида Галисия массиви ва Леон тоғлари, Бискай қўлтиғи соҳилида Кантабрия тоғлари бор. Улар шарқда Пириней тоғларига уланиб кетади. Жануби-шарқида Андалусия тоғлари, жануби-ғарбида Андалусия пасттекислиги бор. Испанияда уран, мис, симоб, қўрғошин, вольфрам, қалай, олтин, кумуш қазиб олинмоқда. Иқлими шимол ва шимоли-ғарбида мўътадил, океан иқлими — қиш юмшоқ, ёз илиқ. Йиллик ўртача ёғин 1000-2000 мм. Соҳилда январнинг ўртача ҳарорати -7, -9, июлники +18, +20. Мамлакатнинг қолган қисмида Ўрта Ер денгизига хос субтропик иқлим — ёз қуруқ, иссиқ, қиш юмшоқ, серёғин бўлади.

Испанияда 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар учун 8 йиллик мажбурий таълим жорий этилган. Йиллик бошланғич, 7 йиллик ўрта мактаблар бор. Кучайтирилган тоифадаги ҳунар-техника ва тижорат мактаблари ишлайди. Бошланғич мактаб ўқитувчилари 3 йиллик педагогик билим юртларида, ўрта мактаб ўқитувчилари университетларда тайёрланади. 35 та давлат университети, 4 та католик университети, 3 та политехника институти бор. Энг йириклари: Саламанка(1218 йилда асос солинган), Барселона (1430), Севилья (1502), Мадрид (1508) университетлари, сиртқи таълим университети (1972), Бильбао университети (1968), Валенсиядаги политехника университети, Сантьяго-де-Компостела шаҳридаги университетлар. Мамлакатдаги институтларнинг ишларини 1939 йилда тузилган илмий тадқиқотлар олий кенгаши уюштиради ва мувофиқлаштиради. Академиялар: Мадриддаги қироллик академияси (1712 йилда асос солинган), Ҳуқуқшунослик ва қонунчилик қироллик академияси (1730), Қироллик миллий тиббиёт академияси (1732), Барселонадаги фан ва санъат қироллик академияси (1764), Мадриддаги ахлоқий ва сиёсий фанлар қироллик академияси (1852). Бир қатор илмий тадқиқот институтлари мавжуд. Испанияда 57 та йирик кутубхона, жумладан, Мадриддаги миллий кутубхона (1717 йилда асос солинган) ва университет кутубхонаси, Барселонада Каталония кутубхонаси бор. Испанияда 90 та музей фаолият кўрсатади. Улардан энг йириги Мадриддаги Прадо музейи (1819), Миллий археология музейи (1867), Барселона, Кордова, Валенсия ва Севильяда бадиий музейлар мавжуддир.

Испанияда 120 га яқин газета ва 900 дан ортиқ журнал нашр этилади. Энг йириклари: "Паиз" ("Мамлакат" кундалик газета, 1976 йилдан чиқа бошлаган), "Вангуардиа" ("Илғор" кундалик газета, 1981 йилдан чиқа бошлаган), "Диарео-16" ("Газета-16", кундалик газета, 1976 йилдан чиқа бошлаган), "Леванте" ("Шарқ", кундалик газета, 1939 йилдан чиқа бошлаган), "Камбио-16" (ҳафталик журнал, 1972 йилдан чиқа бошлаган), "Дестино" ("Тақдир" ҳафталик журнали, 1942 йилдан чиқа бошлаган). Испания ахборот агентлиги — ЭФЭ

1939 йил 2 ноябрда ташкил этилган. Испанияда радиоэшиттириш 1919 йилдан, телекўрсатувлар 1956 йилдан олиб борилади. Испания радиоси ва телекўрсатуви ҳукумат ҳамда сиёсий партиялар вакилларидан иборат кенгаш томонидан бошқарилади. Испания миллий радиоси ва Испания телекўрсатуви давлат маҳкамаси мавжуд.

Шерзод АҲМАТОВ тайёрлади.

"O'zini asraganni, Olloh ham asraydi" deganlaridek, har bir inson doimo hushyor va ziyrak bo'lishi, ro'y berishi mumkin bo'lgan favqulodda vaziyatlarga tayyor turish uchun ular muayyan bilimlarga ega bo'lishi zarur.

Yer yuzida favqulodda vaziyatlar, ya'ni kutilmagan ofatlar qanday ko'rinishda bo'lmasin, ro'y berib turishi tabiiy. Bu ko'plab insonlarning qurbon bo'lishiga va iqtisodiy talofat etkazilishiga sabab bo'lmoqda. Shuning uchun ham jahon olimlari har qanday ofatlarning iloji boricha oldini olishga harakat qilib kelmoqdalar.

"O'zini asraganni, Olloh ham asraydi" deganlaridek, har bir inson doimo hushyor va ziyrak bo'lishi, ro'y berishi mumkin bo'lgan favqulodda vaziyatlarga tayyor turish uchun ular muayyan bilimlarga ega bo'lishi zarur. Ko'pgina davlatlarda inson xavfsizligi asoslari maktablardanoq o'quvchilarga o'rgatib boriladi. Respublikamizda ham bu borada muayyan ishlar amalga oshirilayotganining guvohi bo'lib turibmiz. Shunga qaramay tabiiy ofatlardan saqlanish borasida risoladagidek ilmiy-nazariy qo'llanmalar hozircha yo'q hisobi. Shu boisdan, ko'pgina maktab o'quvchilari favqulodda vaziyatlardan saqlanish qoidalari bilan yaqindan tanish emaslar.

Azamat Suyunovning bolalar uchun yozgan "Favqulodda vaziyatlar"ga oid turkum she'rlarini o'qib chiqdim. Bu she'rlar o'quvchilarimizga kutilmagan ofatlardan ogoh bo'lish va o'zini o'zi himoya qilishda qisman bo'lsa-da, ko'mak berishiga ishonamiz.

Tursunboy ADASHBOYEV

RO'Y BERMASIN FAVQULODDA VAZIYATLAR

(Turkum)

Ro'y bermasin favqulodda vaziyat,
Undan xalqim chekmasin hech aziyat.
Olloh o'zi chetlab o'tsin ofatni,
El ko'rmasin har qanday kasofatni.

YER QIMIRLAGANDA

Ofatlarning ichida
Eng xavflisi zilzila.
Ogoh bo'lmoqlik darkor
Chunki mavjud silsila.

Bu dahshatdan darak berib,
Sergak itlar huradi.
Otxonada turgan otlar
O'zin chetga uradi.

Zilzila ro'y berganda
Eshikni tez ochinglar.
Ogoh etib barchani
Hovli tomon qochinglar.

YONG'IN CHIQSA

Yong'inlar ham ofatning biri
Senga aytay, saqlanish sirin.
Olov kam yonganda sen shitob
Ustiga yo chodir, matoh yop.

Gar yong'inni o'chirolmasang,
Quyidagi so'zga quloq il.
Vaqt o'tmay qo'shningdan bo'lsa ham
"01"ni ter — qo'ng'iroq qil.

SEL YOKI TOSHQIN XAVF SOLSA

Zilziladan keyingi ofat —
Toshqin yoki sel bo'ladi.
Kutilmagan ho'l baloning
Zararini el biladi.

Sezib qolsang, uni agar,
Gaz va elektr o'chirilsin!.
Uydagilar tezlik bilan
Xavfsiz joyga ko'chirilsin!

KO'CHKILAR



Toqqa chiqsang, ehtiyot shart,
Bo'lish mumkin qor ko'chkisi.
Qirga chiqsang, sirtdan yurma
Goh ro'y berar yer ko'chkisi.

Yer ko'chkisi qanday joyda
Yuz berar deb bo'lma hayron.
Uning paydo bo'lmog'i-chi,
Gil-tuproqqa bog'liq, o'g'lon.

KUCHLI SHAMOL

Qo'lsiz, oyoqsiz eshik ochar,
Ko'cha changin har tomon sochar.
Xavfi yo'qmas, atrof, olamga
Bo'ysunmaydi biroq odamga.

Bunday shamol aslo bo'lmasin,
Ko'ngling sira g'ashga to'lmasin.

EPIDEMIYALAR

Bolajonlar men sizni
Ogoh etgum, bildirgum.
O'ta yuqumli bo'lar,
O'lat, vabo, kuydirgi.

Qo'y-echki, qoramollar,
Emlansa o'z vaqtida.
Ega bo'lar chorvador
Boyligiga — naqdiga.

Chetdan kelsa bunday xavf.
Qilgaymiz tez bartaraf.

SO'NGSO'Z O'RNIDA

Hushyor bo'l, kasofatdan
Ogoh etdik, ofatdan.



Azamat SUYUNOV
Suratlarni A.HAKIMOV chizgan.

Umid nihollari

1-БОСҚИЧ DAВOM ЭТМОҚDA

Сирдарё вилоятидаги умумий таълим мактабларида «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, республика Миллий олимпия қўмитасининг шу йилнинг 28 июлдаги қўшма қарори асосида амалга оширилмоқда.

«Ёшлик» КСЖ Сирдарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари Шуҳрат Норқуловнинг айтишича, «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг 1 октябргача ўтказилган биринчи босқичида 1—4-синф ўқувчилари енгил атлетика, мини футбол, шахмат-шашка ва ҳаракатли ўйинлар бўйича беллашдилар. Шунингдек, 5—7 ва 8—11-синф ўқувчилари спортнинг ўндан ортиқ тури бўйича кураш олиб боришди.

«Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларини уюшқоқлик билан ташкил этишда Шароф Рашидов туманидаги 6, 12, 15, 18 ва 21-мактаб раҳбарлари ва жисмоний тарбия ўқитувчилари ибрат кўрсатишди. Жойларда спорт мусобақаларининг биринчи босқичи давом этмоқда.

Мактаб ўқувчиларининг кузги таътили кунларида 1—4-синф ўқувчилари ўртасида иккинчи босқич мусобақалари ўтказилади.

ЁШ ПОЛВОНЛАР БАҲСИ

Пойтахтимиздаги Мудофаа вазирлиги спорт марказида юнон-рум кураши бўйича 1983—1987 йилларда туғилган ёшлар ўртасида Ўзбекистон «Ёшлик» КСЖ Марказий кенгаши биринчилиги беллашуви бўлиб ўтди.

Уч кун давом этган муросасиз баҳсларда Самарқанд, Наманган, Қашқадарё, Жиззах, Навоий, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридан гиламга чиққан 120 нафар полвон ғолиблик учун кураш олиб борди.

9 хил вазн тоифасидаги беллашувларда тошкентлик Лочинбек Хаитов (46 кг), Дурбек Раҳмонов (50 кг), Азиз Мелибоев (55 кг), Заур Аминов (66 кг), Илья Сагидуллин (74 кг), Акбар Жўраев (96 кг), Антон Михайлов (120 кг), самарқандлик Ислом Шодмонов (60 кг), навоийлик Рустам Бобоёров (84 кг) шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди.

Мусобақа ғолиблари ва совриндорлар диплом ва медаллар билан тақдирланишди.

Республика мусобақаси бош ҳакамы Ислом Парвизи нуфузли беллашувларга таклиф этилган Бухоро, Фарғона, Андижон ва бошқа вилоятлар спортчилари сабабсиз қатнашмаганликларини таассуф билан қайд этди.

Ғ.МАННОПОВ

СПОРТЧИЛАР МАСКАНИ

Янгиқўрғон туманидаги Исковот қишлоғидан кўплаб таниқли спортчилар етишиб чиққан. Шу ерлик волейболчи қизлар тўғрисида ҳозир кўпчилик билади. Қишлоқдаги полвонлар мактаби ҳам вилоятдаги кўзга кўринган жисмоний тарбия ва спорт масканларидан бири сифатида танилди. Бу ердаги 31-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 50 нафар ўғил-қизлар ўзбек кураши билан шуғулланяпти.

Ўзбек курашининг қизлар ўртасида ҳам оммалашиб бораётгани айниқса қувончлидир. Бунда мураббий Зуҳра Ботированинг алоҳида ҳиссаси бор. Унинг саъй-ҳаракатлари билан Ҳилола Аҳмедова, Саломат Эшонова, Ҳуснида Тўхтабоева, Феруза Тўрабекова, Дилноза Сатимова каби иқтидорли курашчилар етишиб чиқди. Уларнинг дугоналаридан бири Феруза Ҳамиджонова республика чемпиони бўлди. У республика терма жамоаси аъзоси сифатида шу йил Малайзияда ўтказиладиган турнирга тайёргарлик кўраётир.

Ёш полвонларимиз ҳаракатидан мамнунмиз, — дейди спорт мактаби директори Йўлдошали Ботиров. — Жамоамиз шу йил "Маҳалла" жамғармаси ташаббуси билан ўтказилган "Маҳалламиз полвонлари" беллашувларининг вилоят босқичида умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни қўлга киритди. Ёш жамоа учун бу ёмон кўрсаткич эмас. Келгусида нафақат туманимиз, балки вилоят, ҳатто Республика шарафини ҳимоя қиладиган даражага эришамиз, деб умид қиламиз.

"Туркистон-пресс"

2003 yil — Obod mahalla yili

ЧЕМПИОНЛАР ЎГИТЛАРИДА ТАРБИЯЛАНАДИ

Юртбошимиз 2002 йил 24 октябрда "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонга имзо чекди. Унда республикада болалар спортини ривожлантириш, ёшларни спортга жалб қилишнинг асослари белгилаб берилди. Фармон кўрсатмалари "Обод маҳалла йили" Давлат дастури вазифалари билан тез уйғунлашди. Натижада Андижон вилоятининг кўпчилик маҳаллаларида турли спорт тўгараклари фаолият кўрсата бошлади.

— Шаҳримиздаги мавжуд спорт мактабларида 3806 нафар ёшлар спортнинг кўпгина турлари билан мунтазам шуғулланмоқда, — дейди Асака шаҳар ҳокимлиги бош мутахассиси, шаҳар болалар спортини ривожлантириш жамғармаси раиси Мирзараҳмон Бурҳонов. — Бундан ташқари, 10 та маҳаллада 9 спорт тури бўйича 28 та тўгарак ишлаб турибди. 431 нафар бола бевосита маҳалланинг ўзида оғир атлетика, бокс, каратэ, волейбол, баскетбол ва футбол билан шуғулланади. Деярли барча маҳаллада уч-тўрттадан футбол жамоалари бор...

Шу ўринда Асака маҳалла фуқаролар йиғини қошида шаҳар ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган "Посбон" бокс клуби фаолияти ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Клубнинг иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Бироқ, унинг тарбияланувчилари орасида бир неча чемпионларнинг борлиги қувончлидир.

Шаҳар ички ишлар бўлими ходими, милиция катта лейтенанти Иномжон Мамадалиев маҳаллалардаги тарбияси оғир болаларни тўплаб, бокс клуби ташкил этмоқчи бўлганда, кўпчилик бунга рўйхуш бермаганди.

— Безориларни тўплаб, уришишни ўргатасанми, — дейишганди унга.

Иномжон ўз фикрида қатъий турди. Фақат спортгина уларни тарбиялай олиши, келгусидаги жиноятлардан сақлаб қолишини тушунтирди.

— Ўшанда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш инспектори бўлиб ишлардим, — дейди И.Мамадалиев. — Дастлабки 55 нафар аъзонинг 27 нафари милиция ҳисобида турадиган болалар эди. Мен уларда спортга қизиқиш, муҳаббат уйғота олдим. Натижа эса чакки эмас...



Маълумки, безори болалар милиция ходими билан мулоқотдан қочади. "Тўғри юр, акс ҳолда қамаласан" қабилидаги дашномлар кимга ҳам ёқарди. Бу ерда эса аксинча. Ҳуқуқбузар ёки безори, тарбияси оғир болалар Иномжоннинг атрофида парвона. Ўгитларини жон-дил билан тинглашади, спорт секцияларида бирга бўлишади. Айтиш жоизки, клуб ташкил этилганда аъзо бўлган ўша 27 нафар ҳуқуқбузар боланинг бирортаси қайта ёмон йўлга кирмади. Спорт билан дўстлашиб, мунтазам шуғулланишди. Олий ўқув юртларига кириб ўқишди. Улар ҳозир ҳам клуб билан, Иномжон билан алоқани узишмаган.

Айни пайтда бу ерда шуғулланаётган тарбияси оғир болалардан 5-6 нафари спортда катта натижаларга эришмоқда. Улар орасида бокс бўйича вилоят чемпионлари бор.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги Фармондан кейин клуб алоҳида жойга эга бўлди. Ҳозир клубда 200 нафардан ортиқ бола бокс билан машғул. Учта маҳаллада шаҳобчаси бор. «Истиқлол» маҳалласи фуқаролар йиғинида таэквандо, «Муқимий»да волейбол, Навоий номидаги маҳаллада эса юнон-рум кураши бўйича тўгараклар ишлаб турибди.

Клуб эндиликда ўз Низоми, банкда ҳисоб рақами ва ҳомийларига эга бўлди. Асака ип-йигирув корхонаси, деҳқон бозори, Асака маҳалла фуқаролар йиғини ва шаҳар ички ишлар бўлими доимий ҳомий ҳисобланади. Уларнинг ёрдамлари билан клуб тарбияланувчилари вилоят, республика ва қўшни давлатларда бўладиган мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишмоқда. Улар орасидан Элёрбек Fуломов икки карра, Жасурбек Пирматов бир марта Ўзбекистон чемпиони бўлишди. Шу йил май ойида ўтказилган вилоят биринчилигида 20 бола қатнашди. 12 нафари ўз вазн тоифаларида чемпионликни қўлга киритишди.

"Посбон" клубининг айни пайтдаги фаолият кўлами тобора кенгайиб боряпти. Шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими ҳамда шаҳар ҳокимлигининг вояга етмаганлар комиссияси билан ҳамкорликда тарбияси оғир болаларни ҳунар ўргатишга жалб қилиш бўйича ҳам иш олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда 150 нафар ўғил-қиз бичувчи-тикувчи, косиблик, новвойлик ва сартарошлик ҳунарларини ўрганишмоқда.

— Бизнинг мақсадимиз, — дейди Иномжон Мамадалиев, — ўз фарзандларимиз, келажагимиз ворисларини жиноят йўлидан қайтариш. Шунингдек, келгусида Ватанга муносиб кишилар қилиб тарбиялашдан иборат. Бунинг учун барча имкониятлар бор. Изланиб меҳнат қилинса, кифоя...

Дарҳақиқат, шундай. Кўнгилдан чиқариб қилинган меҳнат, албатта ўз самарасини беради. Биз эса, бошқа шаҳар ва туманларда ҳам Иномжоннинг издошлари кўпайишини истардик.

О.СИДДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Amalda hech bir erkak sizning yashirin ishoralaringizni, xohishlaringizni tushunmaydi. Shuning uchun erkakdan biror narsani ochiqchasiga iltimos qilsangiz, u albatta bu ishni bajaradi.

АЁЛЛАР ВА ЭРКАКЛАР ҚАЕРДАН ПАЙДО БЎЛИШТАН?

(Аёлларга нимҳазил маслаҳатлар)

Дарҳақиқат, биз барчамиз турли-туман одамлармиз. Аммо, афсуски, буни ҳамма ҳам тушуниб етавермайди. Эрингиз ҳаётни худди сиздек англашини ва қабул қилишини хоҳлайсиз, оқибатда уйингизда жанжал ва келишмовчиликлар вужудга келади. Миянгизга қўйиб олинг, эрингиз ҳеч қачон сиздек бўлолмайди.

Тўғри, севишганлар ҳар доим мутлақо уйғунликка етишишни хоҳлашади. Севган кишингиз сизни, сиз эса уни тушунишни хоҳлайсиз. Аммо, агар эркак ва аёл ўзларининг ҳар хиллигига ишонишмаса, бундай уринишлар албатта муваффақиятсизликка маҳкумдир. Замонавий эркаклар ва аёллар бир хил турмуш тарзида яшашса-да, узоқ ўтмишда мутлақо бундай бўлмаган. Эркакларнинг вазифаси ов қилиш, оиласини боқиш ва муҳофаза қилиш бўлган бўлса, аёлларнинг вазифаси уйга қараш, фарзандларининг тарбияси билан шуғулланиш эди. Улар ўз ғорларидан фақат сув келтириш ёки мева-чева териш учун чиқишган, холос. Аёл ва эркакдан мутлақо ҳар хил вазифалар талаб қилинарди. Шунинг учун ҳам уларнинг тан аъзолари ва мушаклари бутунлай бошқача ривожланган. Оқибатда, миялари ҳам турлича шаклланган. Демак, уларнинг фикр юритишлари ҳам, қарор қабул қилишлари ҳам турличадир.

Масалан, ҳеч қайси эркак телесериалларни кўрганда нега йиғлашингизни ёки 20 дақиқа олдин ёнингиздан чиқиб кетган дўгонангиз билан яна уч соатлаб телефонда гаплашиб ўтиришингизни тушуниб етмайди. Шунингдек, ҳар бир аёл эрининг музлатгичда турган идишни нега топа олмаслигини ёки яқиндагина кетган меҳмонларнинг исмларини қандай қилиб ёддан чиқариб қўйганини тушунолмайди.

Бизнинг хулқимизга нафақат ота-онамиз, балки миямизда бўлаётган жараёнлар ҳам таъсир кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда, XXI асрда туғилган бола ҳам аслида овчи, қизча эса — тарбиячи. Қачонлардир бу вазифалар аёл ва эркак ўртасида юксак уйғунлик бўлишига имкон яратган. Эркак ҳар куни ҳаётини хавф остига қўйиб озиқ-овқат топиш, ов қилиш учун кетган. Яхши ов қилиш учун унга куч, чаққонлик ва чамалаш қобилияти керак бўларди. У олиб келган ўлжасига қараб, ўзига баҳо берарди. Ғорига қайтиб келгандан сўнг у аёли тайёрлаган овқатни ер, бошқа овчилар билан суҳбат қурар ва кейинги овгача дам оларди. Ундан бошқа ҳеч қанақа вазифа талаб қилинмасди. Аёлнинг вазифалари ҳам чекланган эди. У фарзандларини тарбия қиларди, тартибни сақларди, овқат тайёрларди, бўш вақтида эса ҳар хил мевалар териб келиб, бошқа аёллар билан суҳбатлашарди. Буларнинг ҳаммаси учун унда эмоционал муҳит ривожланган бўлиши керак эди. У эрининг ҳурмат қилишига, нечта фарзанд кўриб тарбиялашига қараб ўзига баҳо берарди.

Афсус, ҳозирги замонда ҳамма нарса тескари бўлиб кетган. Замонавий аёллар ва эркаклар бир хил турмуш тарзида яшашади. Энди эркаклар фақат овчи эмас, аёл ҳам фақат уй бекаси эмас. Ҳаммаси аралаш-қуралаш, демак, аёллар ва эркаклар ўртасидаги ўзаро муносабатлар бузилган. Руҳшунослар кўплаб ажралишларнинг сабаби мана шунда дейишмоқда. Кўплаб одамлар оддий йўлдан кетиб, яна олдингидек яшашга уринишади. Лекин бундай ҳаётга қизиқмайдиганлар нима қилиши керак? Сўзсиз, улар ўз ҳаётларини ўзлари қурмоғи лозим! Аммо, уни қураётиб аёл ва эркак ўзларининг хилма-хил одамлар эканликларини тушуниб етиши керак. Одатда аёллар кўп нарсаларни эркакларга нисбатан тезроқ тушуниб етишади. Шунинг учун эркак ҳақида баъзи нарсаларни билиб олиш ҳали ҳам кеч эмас. Балки қўйида ёзилган нарсаларни ўқиб, сиз учун оддий туюлган ишлар эркак учун қанчалар мушкуллигини билиб, ҳайрон бўларсиз. Ҳақиқатан ҳам эркак ва аёл ўртасида осмон билан ерча фарқ бор!

1. Кўриш қобилиятининг ўзига хос фазилати борлиги учун эркак, ростдан ҳам, жавондан ўзининг бўйинбоғини ёки бурни олдида турган бир қозон овқатни тополмаслиги мумкин.

2. Эркакларнинг эшитиш қобилияти шундайки, у чиндан ҳам ошхонада томчилаётган сув ёки кечаси йиғлаган боланинг овозини эшитмайди.

3. Эркак ҳеч қачон бир вақтнинг ўзида ҳам телефонда гаплашиб, ҳам телевизор кўра олмайди.

4. Шу сабабдан соқол олаётганида унга савол бера кўрманг.

Барибир саволингизга жавоб бермайди ва шу билан бирга юзини кесиб олиши ҳам мумкин. Доимо эсда сақланг, эркак ҳеч қачон бир вақтнинг ўзида иккита ишни қила олмайди.

5. Эркаклар оғриққа чидаёлмайдилар. Ҳатто фақат боши оғриётган бўлса ҳам улар оғриққа чидаёлмай "ўлаяпман" дейишади. Шунинг учун уларга озгина бўлсада, раҳмдил бўлиш лозим.

6. Амалда ҳеч бир эркак сизнинг яширин ишораларингизни, хоҳишларингизни тушунмайди. Шунинг учун эркакдан бирор нарсани очиқчасига илтимос қилсангиз, у албатта бу ишни бажаради.

7. Агар эркак эшик тарафга қараб ухламоқчи бўлса, уни тергаманг. Бу ҳолатда у ўзини қўриқчидек ҳис қилади. Унга "ўз ғорини" қўриқлашга имкон яратинг.

8. Ширинсухан бўлишни ёки туйғуларини тилда изҳор этишни ундан талаб қилманг. Унинг миясидаги ҳис-туйғулар учун жавоб берадиган бўлим жуда ёмон шаклланган.

9. Агар мусиқий танаффус пайтида у сиздан бирга кўраётган фильмнинг бош қаҳрамонлари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилса, ҳайрон бўлманг. У ростдан фильмнинг икир-чикирларига эътибор бермайди.

10. Ҳеч бир эркак телефонда 10 дақиқадан ортиқ суҳбатлашиб ўтира олмайди. Чунки у телефонни фақат зарур ахборот етказиш воситаси деб ҳисоблайди. Шунинг учун дугонангиз билан икки соат давомида нима ҳақида гаплашганингизни тушунтиришга уринманг. У барибир буни тушунмайди.

11. Ўртача ҳисобда эркаклар кунига 7000 та сўз гапиради. Бу аёллар сўзлашгандагига қараганда уч марта кам, шунинг учун агар у ишда кўп гапирган бўлса, уйда камгап бўлиб қолади. Буни тушуниш керак. Демак, гапириш учун унинг сўз заҳираси тугаган.

12. Агар эркакни бирор нарсага кўндирмоқчи бўлсангиз, бир марта гапирганингизда фақат битта фикрни айтишингиз керак. Агар кўп гапирсангиз, у гапларни тушунмай қолади ва хаёлини бир жойга жамлай олмайди.

13. Эркакларнинг яна бир ўзига хослиги: улар ёки эшитадилар, ёки гапирадилар. Иккаласини бир вақтда қила олмайдилар.

14. Иши юришмаган эркак билан ҳеч қачон ўзаро муносабатларингизни ҳал қилманг. Эсда сақланг: иши юришмаган эркак шахсий ҳаёти билан шуғулланмайди.

15. Агар эрингиздан сизга меҳрибон бўлишини илтимос қилсангиз, у идиш-товоқларни ювиб қўйиши, синган кранни тузатиб қўйиши мумкин. Аммо ундан "бутунлай бошқа нарсани" кутганингизни билса, жудаям ҳайрон бўлиб қолади.

16. Агар эрингизнинг муаммоларини у билан бирга ҳал қилмоқчи бўлсангиз, у сиздан қаттиқ хафа бўлади.

17. Агар аёллар иши юришмаганда жуда кўп гапиришни бошлашса, эркаклар аксинча, сукут сақлашни афзал кўрадилар.

18. Эркак телевизор каналларини тез-тез биридан бирига қўйиб туриши сизнинг жаҳлингизни чиқариш учун эмас, албатта. Бу иш эркакларни тинчлантиради ва муаммоларини унутишга ёрдам беради.

19. Ҳеч қачон эрингизни магазинма-магазин етаклаб юрманг. У бу ишни шунақа ёмон кўрадики, асти қўяверинг. Эркак овчи, шунинг учун у ишларни тезда битириб, уйга қайтишни хоҳлайди ва бу билан сизни ҳайратга солишга интилади.

Ўйлаб кўрсангиз, бу маслаҳатларнинг охири кўринмайди. Аммо асосий маъносини тушуниб етгандирсиз. Эркакка ўзингизга қараб баҳо берманг. Доимо эсда сақланг: ҳамма эркаклар Миррихдан, ҳамма аёллар Зуҳро юлдузидан.

Мавлуда ПАРДАЕВА тайёрлади.

КАШТАЛАРГА КЎЧГАН ТУЙҒУЛАР

Qutlug'ostona

Ҳалима — момоларимизнинг игна билан яратган қадимий қадриятлардан бири — каштадўзликда ўз иқтидорини намоён этаётган қиз. Ўзбекистонимиздаги минглаб чевар ва моҳир, қўли гул қизларнинг ёрқин вакиласидир. У Китоб тумани Индира Ганди номидаги 77-мактабнинг 10-синфида таълим олмоқда. Ҳалима мактабда ҳам ўзининг алоҳида қобилияти билан ажралиб туради. Бу ўз туйғуларини матоларда миллий каштачилик соҳасида бадиий ифодалай олишидир. Унинг кашталарида тасвирланган ранглар ёшгина қизалоқ юрагида жунбушга келаётган туйғулар ифодасидир. Шунингдек, қаҳрамонимиз миллий қадриятларимизнинг бошқа қирраларини ҳам тиклаш ва юксалтириш ниятида тинмай изланмоқда. Бу Ҳалиманинг миллий гиламчилигимиз тармоқлари — жулхурс, тароқ, халта, қошиқ халта, чимилдиқ, бов ва бошқаларда ўз ифодасини топмоқда.

Ҳалима Жўраева саккиз ёшдан бошлаб мактабда ташкил этилган "Моҳир қўллар" тўгарагининг доимий аъзоси. У тўгарак раҳбари Меҳринисо Мўминовадан каштачилик сир-асрорларини чуқур ўрганиш баробарида бу қадриятнинг ҳаётий фалсафасини, жумбоқлабадиий тасвир услуби тамойиллари моҳиятини билиб олишга интилмоқда. Устози Мухтор Шапсанов раҳнамолигида "Моҳир қўллар", "Иқтидорли қизлар" кўрик-танловларида иштирок этиб, туман ва вилоятда фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Камтарин, шижоатли, билимдон Ҳалима ўзбек миллий каштачилигини — миллий қадриятларимизни бутун дунёга кўз-кўз этиш, ўз халқи, Ватанига етук фарзанд бўлиб камол топишига ишончимиз комил.

Тумандаги "Ниҳол" адабий уюшмаси раиси ҳам бу тиниб-тинчимас, изланувчан қизнинг истеъдодини юқори баҳолайди. Ҳалимадек қизлари бор юртнинг бой маънавий мероси бўлмиш каштачилик санъати ҳеч қачон заволга учрамайди, деб ҳисоблайди. Ҳақиқатдан ҳам шундай матоларга турли иплар ёрдамида жило бериш, буюк бир санъат асари яратиш ҳамманинг ҳам қўлидан келадиган иш эмас. Ҳалима мана шу санъатни пухта эгаллаётганлардан бири.

Ш.МАДРАҲИМОВА

ИЖОДКОР ЎҚУВЧИЛАР БАҲСИ

Tanlov

Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан Республика Халқ таълими вазирлигининг 2003 йил 20 июндаги 99-сонли буйруғига асосан вилоятда ижодкор ёшларнинг ижодини тарғиб қилиш, уларнинг маънавий тафаккурини шакллантириш, улар онгига миллий мафкура тушунчаларини сингдириш мақсадида ҳар йили тўрт босқичда "Нафосат" ёш қаламкашлар вилоят анжуманини ўтказади. Термиз шаҳридаги "Ўқувчилар саройи"нинг катта залида танловнинг бу йилги тадбири бўлиб ўтди. Унда барча туманлардан уч нафардан ижодкор ўқувчилар устозлари билан қатнашишди.

Кўрик-танловни вилоят ХТБ бошлиғи Абдурасул Эргашев очиб, сўзни "Маънавият ва қўшимча таълим" бўлими бошлиғи Ф.Саидовга берди. Ў беллашувнинг шартлари, тартиби, мақсади ва вазифаси билан йиғилганларни таништирди. Бандихон туман ХТБ услубчиси Х.Тангиров, вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги "Маънавият гулшани" рўзномаси муҳаррири Н.Тўраевлар ҳам бу борадаги фикр-мулоҳазаларини баён этди. Шундан сўнг мушоира бошланди. Турли ёшдаги иқтидорли ёшлар ҳакамлар ҳайъати ва залда тўпланганларга иккитадан шеърларини ҳавола этишди. Улар орасида илк маротаба қўлига қалам олганлардан тортиб Республика, вилоят, туман рўзномаларига чиқиш қилганлари, ҳаттоки дастлабки шеърий тўпламларини нашр эттирганларигача бор...

Шоирлар Б.Содиқов ва Б.Ёриевлар ҳар томонлама таҳлилдан сўнг Республика "Нафосат ёш қаламкашлар" анжуманига ғолиб ўқувчиларни тавсия этди:

Улар орасида Узун туманидаги 14-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Феруза Очилдиева, Денов туманидаги 79-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Моҳира Соҳибназарова, шу тумандаги 79- мактабнинг 7-синф ўқувчиси Мавлуда Турсунова, Жарқўрғон туманидаги 1-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Азиза Ашурова, Бойсун тумандаги 25-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Шаҳноза Нажмиддиновалар бор.

Ёш қаламкашларнинг республика босқичидаги беллашувда муносиб қатнашишларини тилаб қоламиз..

Д.АШУРОВА,
Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармаси етакчи мутахассиси

Ҳурматли инглиз тили мухлислари!

Халқаро телеканалида ҳар якшанба куни намойиш этилаётган "Инглиз тили курси" теледастурининг навбатдаги олтинчи дарс саволларига жавобларингизни кутиб қоламиз:

1. What types of school are there in the USA?
2. What are the similarities and differences in shools in Uzbekistan and the USA?

Жавобларингизни Тошкент 700011, Навоий 69, ТВ-4 "Инглиз тили курси" дастурига ёки uztv-4@uzpak.uz манзилига юборишингиз мумкин.

Хоразм вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси жамоаси Қашқадарё вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Р.Раҳимовга онаси **НАРЗИОЙ аянинг** вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-925. Тиражи 19852. 1 2 3 4 5 Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир: Шарифа МАДРАҲИМОВА. Навбатчи: Давронбек ТОЖИАЛИЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтаримайди. (М) белгиси остида реклама материаллари берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.